O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 12 май, №20 (3558)

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МАМЛАКАТ ПОЙТАХТИ ВА ШАҲАР-ҚИШЛОҚЛАРИДА УМУМХАЛҚ МИҚЁСИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Ўтган азизларни ёд этиб, тирикларни эъзозлаш халқ хотирасининг, миллатимизга хос умуминсоний қадриятларнинг гўзал ифодасидир. Хотира — халқимизнинг олижаноб қалби, ўтган улуғларига чуқур эҳтироми, оталар шавкатидан қалбимизда бўй чўзган фахру ғурур, миллий ифтихорнинг ҳам ёрқин намоён бўлиши. Мустақиллик йилларида миллат ва халқ хотирасининг буюк тимсолларига айланган бундай улуғ қадриятлар ўзининг асл моҳияти билан теран намоён бўлмоқда. Зотан ўз ўтмишига, ўтган азизлари, шавкатли аждодлари руҳига, уларнинг порлоқ хотирасига ҳурмат билан қараган халқнигина келажагини равшан кўра олади. Шу маънода Хотира ўтмиш ва келажакни туташтирувчи олтин кўприкдир. Бу эзгулик кўприги. У бугуннинг руҳида, ҳар бир имони бутун инсон қалбида муқаддас туйғу сифатида яшайди. Бу кўприк узра аждодлар ва авлодларнинг руҳлари бирлашадилар. Хотиралар сабоғидир бу кўприкнинг асос-таянчлари.

Ватанимиз озодликка чиққан илк кунларданоқ биз келажак сари қўя бошлаган қадамларимиз шукуҳида шавкатли аждодларимиз, ёвқур оталаримизнинг буюк орзу-армонлари залворини ҳис этдик. Ва қалбимизда уларнинг муборак хотираларини ёд этиб, руҳи покларини шодлантириб, улуғ ишларга белни қаттиқ боғладик.

Ўтган йили пойтахт Тошкент ва мамлакатнинг йирик шаҳарларида иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчиларимизни хотирлайдиган, уруш қатнашчилари ва ўша оғир йилларнинг машаққатлари, жудоликларини ўз бошидан ўтказган момоларимиз, боболаримизнинг фидойиликларини улуғловчи Хотира майдонларининг барпо этилиши, бугунги кунда қатағон даври қурбонлари хотирасига бағишлаб «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши эса мустақиллик йилларида бу борада изчиллик билан амалга ошириб келаётган ишларимизнинг бевосита давомидир.

Пойтахт марказида юртбошимиз ташаббуси билан миллий меъморлик анъаналари руҳида барпо этилган Хотира майдони зиёратгоҳи 9 май куни минглаб уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик намояндалари билан гавжум бўлди. Президент Ислом Каримов Хотира майдонини зиёрат қилиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйди, уруш ва меҳнат фахрийларини байрам билан самимий муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари ва таниқли ижодкорлар билан суҳбатда Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб шундай деди: «Бу кунда юрт озодлиги, халқимизнинг бугунги ҳаёти учун жонини фидо қилган отаболоримиз хотираси, жигарбандларини кутиб қалби фарёдга тўлган мунис онахонларимиз олдида бош эгамиз. Инсон хотираси муқаддас. Шундай экан, мана бир йилдирки, бу майдонга зиёратга келувчилар сафи узилмаётгани, зиёратчилар ота-боболари номларини кўриб, кўзларига ёш олаётганининг ўзи амалга ошираётган савобли ишларимизга берилаётган муносиб баҳо деб ўйлайман».



Юртбошимиз хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга ўргатади, қадрлаш эса, хонадонларимизга файз-барака бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдир, деб таъкидлади. Президент таниқли шоир ва ёзувчиларимиз билан қилган суҳбатида ёш авлоднинг эътиқод тарбияси масалаларига эътиборни жалб қилиб, бу борада баъзан кўзга чалиниб қолаётган эскича фикрлаш асоратлари, кўр-кўроналик ва саёзликдан қутулиш, бугунги сиёсатимизнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунтириб берадиган мактаб дастурлари яратишга даъват этди.

Шу маънода юртимизда барпо этилаётган муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ҳамма учун ибрат ва сабоқ оладиган даргоҳлар, миллий мафкурамиз тамойилларини мужассамлантирувчи, мустаҳкам эътиқодни шакллантирувчи тарбия масканлари бўлиб қолиши шубҳасиз.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бутун юртимизда минг-минглаб фахрийларимизга катта иззат-ҳурмат ва чуқур эҳтиром кўрсатилди, совға-саломлар иньом этилди. Улар билан ўтказилган ҳаяжонли учрашувлар эзгулик ва қадр-қиммат сабоқларига айланиб кетди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва «Ўзбекнаво» ижодий бирлашмаси томонидан «Туркистон» саройида ўтказилган Хотира кечаси ҳам ана шундай файзли тадбирлардан бири бўлди. Атоқли халқ шоирлари, машҳур санъаткорлар, жамоатчилик намояндалари миллат ва халқ хотирасининг буюк тимсоллари ҳақида сўз юритиб, ўтганлар хотирасини ёд этиш, тирикларни қадрлаш озод мамлакатимизда миллий эътиқод даражасига кўтарилганидан мамнунлик изҳор этдилар. Истеъдодли санъаткорлар томонидан ижро этилган миллий мумтоз куй-қўшиқларимиз эса муҳташам санъат кошонаси узра ўтганлар хотирасига чуқур эҳтиром рамзи сифатида янгради.

М. АБДУЛЛАЕВ



Рустам МУСУРМОН

ЎЧМАС ЧИРОҚ

Еридан юлинган чечак сўлгайдир,
Бироқ ўпирилиб қолгайдир ўрни.
Ҳаётдан юлинган одам зоти ҳам
Ўпириб кетгайдир бир қулоч ерни.
Хотира қолгайдир, фақат хотира...

Қабрлар, қабрлар ётар дўппайиб —
Шаҳидлар экилган муқаддас пайкал.
Гўрўғли султонлар туғилар ердан,
Ватаннинг орини кўтаргай дангал.
Хотира қолгайдир, фақат хотира...

Кўчат ўтқазгаймиз тупроқни кавлаб,
Дарахтлар хилма хил самар бергайдир.
Инсон ҳам дарахтдай ўсар гуркираб —
Ким шакар, ким биров заҳар бергайдир.
Хотира қолгайдир, фақат хотира...

Хотира умрни этар сарҳисоб,
Савобу гуноҳлар ажрим қилингай.
Лекин чин инсоннинг ҳақиқий қадри
Дунёдан ўтгандан кейин билингай.
Хотира қолгайдир, фақат хотира...

Хотира қолмаса,
Инсонни инсон
Ҳеч қачон эъзозлаб тилга олмайдир.
Хотира қолмаса,
Инсон-ку инсон
Ҳаттоки дунёдан нишон қолмайдир.
Хотира қолгайдир, фақат хотира...

Хотира, хотира — ўчмас чироқдур,
Инсоннинг ёдини ёритгай мангу.
Хотира — ўтмишдан тушиб турган нур,
Ҳамда келажакка йўналган ёғду.
Хотира, хотира — ўчмас чироқдур!

Озод ШАРАФИДДИНОВ

ШАҲИДЛАР ЁДИ

Бу жойлар кундузи одам юрса қўрқадиган мудҳиш жойлар эди. Айниқса, 30-йилларда бошлаб кечалари қарс-қурс ўқ овозлари чиқа бошларди. Теварак-атрофда истиқомат қиладиган одамлардан баъзи бир довюраклари тунлари қўрқа-писа панадан туриб кузатишарди. Қарашса, бу ерда одамлар қатл қилинар экан. Лекин бу тўғрида суриштириш, гапириш, овоза тарқатиш қатъиян таъқиқланган эди.

Аммо эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Орадан кўп ўтмай маълум бўлдики, «темир» Феликснинг шоввозлари чиндан ҳам бу ерни ўзларининг «севимли» қатли ом жойларига айлантириб олишипти. Қоронғи кечаларда баъзан ўнлаб, баъзан эса юзлаб одамларни шу ерда отиб, шу ерда «гум» қилишар экан. Улар халқимизнинг энг сара ўғлонлари, юраги ҳамиша озодлик иштиёқи билан тепган, ўз ватанини мустақил кўриш орзусида ёниб яшаган ойдинлар, мунавварлар эди.

Бу ҳақиқат ошкор бўлгандан кейин шу атрофлардан ўтиб қолсам, ҳар гал кўнглимда бир орзу тўлқин урарди — қани энди мана шу манҳус жойлар ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган шаҳидлар хотирасини абадийлаштирадиган бир зиёратгоҳга айлантирилса... Кейин маълум бўлдики, бу — биргина менинг орзум эмас, жуда кўп одамларнинг юрагида ардоқлаб юрган ўйлар экан. Ниҳоят, Президентимиз халқимизнинг ана шу орзу-истагини ифодалаб, бу ерда ёдгорлик барпо этиш ғоясини майдонга ташлади. Мана, бугун шундай зиёратгоҳ вужудга келди. Бугун шу ёдгорликни қурган ва уни зиёрат қилаётган одамларнинг бошлари узра минглаб, балки ўн минглаб шаҳидларнинг руҳи шод бўлиб, парвоз қилиб юрган бўлса, ажаб эмас.

Буюк бобомиз Беҳбудий инқилоб йилларида «эркинлик берилмайди, эркинлик олинади!» деган доно ҳикматни ўртага ташлаган эди. Бугун унинг чинлиги яна бир карра ўз тасдиғини топмоқда. Биз ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган шаҳидларимиз ҳақида ўйлар эканмиз, бугунги мустақиллигимиз осонликча қўлга киритилмаганини, халқимиз истибдод йилларида ҳамиша озодлик иштиёқи билан яшаганини эслаймиз. Мустабидлар буни яхши билишган ва доимо бундан чўчиб туришган. Беихтиёр бир ҳужжат эсга тушади.

Вревскийдан кейин генерал-губернатор бўлган Духовский Туркистон ўлкасининг аҳволи билан танишиб чиққанидан кейин шундай деб ёзган экан: «Бу ўлка ҳали-ҳануз тинч ўлка деб ҳисобланиши мумкин эмас. Маҳаллий халқ кўнглида ғолибларга нисбатан душманлик руҳи билан яшамоқда. Буни улар усталик билан яширишади. Зоҳиран қараганда улар мутеъдай ва ҳатто ўлкага туҳфа қилинган моддий неъматлар учун миннатдордай кўринса-да, бу ниқоб остида тутаб ётган душманлик қулай шароит пайдо бўлиши биланоқ яна алангага айланишига шубҳа йўқ!»

Чор генерали ўзбек халқининг қалбидаги пинҳоний эрксеварлик руҳини, бўйнида бўйинтуруқ, оёқ-қўлида кишан билан қул бўлиб яшашга асло рози эмаслигини яхши илғаган. Яна бир факт борки, ўша генералнинг ҳадиги мутлақо асосли эканини исбот қилади — 130 йиллик мустамла-

Давоми 2-бетда

«ЎзАС» АХБОРОТИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз тарихида илк бор «Шаҳидлар хотираси рассомлар ижодида» кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада маърифатпарвар зиёлиларнинг тарихий сиймолари кенг кўламда акс эттирилган. Намойиш этилган асарлар орасида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби улуғ сиймоларнинг портретлари алоҳида эътиборга молик.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев, Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов сўзга чиқиб, Ватан озодлиги йўлида курашган улуғ инсонлар хотирасига бағишлаб ташкил этилган бу кўргазма жамиятимиз маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

«ЎЗБЕКИСТОН — ГЎЗАЛ ДИЁР»

«Риккардо Капасо — Европанинг энг истеъдодли дирижёрларидан бири», *— деб ёзади «Таймс» газетасининг мухбири Ганс Крамер. Ана шундай таърифга сазовор санъаткорнинг юртимизга ташрифи мусиқа ихлосмандлари учун чинакам воқеа бўлди.*

Р. Капасо 1965 йили Сиена шаҳридаги Чигана академиясининг унвонини олганидан сўнг ҳақиқий ижодга шўнғиб кетди. Кейинчалик у устози Роберто Гоитре қўлида композиция, фортепиано ва хор ижрочилиги бўйича маҳоратини оширди. 1967 йили Капасо Италиянинг РАИ телекомпанияси томонидан ёш дирижёрлар орасида ўтказилган танловда бош соврин эгаси бўлди.

Яқинда пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ана шу дирижёр иштирокида концерт бўлиб ўтди. Концертдан олдин биз билан суҳбатда маэстро шундай деди:

— Мен мамлакатингизга дирижёрлик санъати ютуқлари билан танишиш ва «Туркистон» саройида Ўзбекистон симфоник оркестри билан ҳамкорликда концерт намойиш этиш мақсадида келдим. Соҳам бўйича радио ва телевидениеда, жумладан, РАИ (Италия), Эй-Би-Си (АҚШ), Ю'Кей Би-Би-Си (Буюк Британия), ТВ-6 ва РЖТ (Россия) каналлари билан ҳамкорлик қиламан. Шунингдек, Петруцели (Бари), Беллини (Катания) театрларида, янги санъат гуруҳи (Рим) ва Кейптаун опера театрида доимий дирижёр ҳамда бадиий раҳбар сифатида иш олиб бораман. Бугунги концертимда Франц Шубертнинг саккизинчи ва Людвиг ван Бетховеннинг бешинчи симфонияларига дирижёрлик қиламан.

Мен Шарқ санъати билан яқиндан танишман. Ўзбекистон мустақил давлатлар орасида жадал суръатлар билан ривожланаётган ва маданият соҳасида дунёга танилаётган мамлакатлардан бири. Очиғи, Италияда серқуёш Ватанингиз ҳақида одамлар жуда кам тасаввурга эга. Лекин мен Ўзбекистонга келиб, бу ўлканинг ўзига хос гўзал диёр эканига амин бўлдим. Санъаткорларингизнинг юксак истеъдоди менда алоҳида қувонч уйғотди.

Хуршид РАУПОВ ёзиб олди

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ...

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида адабий-мусиқали кеча ўтказилди. Кечани Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази, республика «Нуроний» жамғармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги ва Улуғбек номидаги боғ жамоаси ҳамкорликда уюштирдилар. Анжуманга тумандаги 30дан ортиқ маҳаллалардан ибратли оилалар таклиф этилди.

Кечани Ўзбекистон телевидениеси сухандони Муслимбек Йўлдошев ва Мавлуда Аҳмедова олиб борди.

«Лазги» ашула ва рақс ансамбли жамоаси, санъаткорлар Саида Раметова, Маҳмуджон Азимов, шоира Муҳайё Мирсаидова, қизиқчи Раҳимжон Солиев тадбирни файзли ўтказишга муносиб ҳисса қўшдилар. «Нуроний» жамғармаси ҳамда Чилонзор тумани ҳокимлиги нуроний онахон ва отахонларимизга байрам совғаларини топширдилар.

Мавлуда КОМИЛОВА

ВАТАН СУРУРИ

Яқинда пойтахтимизнинг Яккасарой туманида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ танлови ўтди. Танловда тумандаги олий ўқув юртлари, Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент давлат тўқимачилик енгил саноат институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти, Абдулла Авлоний ва Хуршид номидаги маданият уйлари қошидаги ансамбллар ва мактабларнинг жамоалари иштирок этдилар. Қўшиқлар мақом, замонавий эстрада, яккахон ва анъанавий ижрочилик йўналишларида ижро этилди.

Кўрик-танлов ҳайъати аъзоларининг қарорига мувофиқ Тошкент давлат педагогика университети «Зиё» гуруҳининг «Юртим, севаман сени» қўшиғига III-ўрин, Тошкент давлат тўқимачилик енгил саноат институти вакили Шоҳида Йўлдошеванинг «Сени Ватан дея атадим» қўшиғи II-ўрин ва Тошкент давлат Санъат институти талабалари ижросидаги «Жон Ўзбекистон» қўшиғи I-ўринга лойиқ топилди. Танловнинг барча иштирокчилари фахрий ёрлиқ ва рағбатлантирувчи совринлар билан тақдирландилар.

Назокат ПЎЛАТОВА

ТОМОШАДАГИ «ТОМОША»

Мусиқа — толиққан асабларга дам бериб, руҳиятни кўтарувчи санъат тури. Шунинг учун ҳам қўшиқсевар мухлислар концерт дастурларини катта санъат саройларида томоша қилишни хуш кўришади.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Санъат саройида икки кун давомида «Жаннат ўлкам» деб номланган концерт дастури намойиш этилди. Биз ҳам турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан биргаликда концертнинг биринчи куни дам олиш мақсадида Санъат саройига бордик. Патталар нархи 800 сўмдан 1500 сўмгача эди. Ўша куни қаттиқ ёмғир ёғди. Мухлислар ёмғирда ивиганига қарамасдан Санъат саройига ошиқардилар. Ўзбекистон телевидениеси орқали концерт дастурининг бир ой давомида реклама қилингани ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганди...

Аввало, концерт ўз вақтидан ярим соат кейин бошланди ва уч соат давом этди. Томошабин дастурда ижро этилган қўшиқлардан дам олиш ўрнига зерикди. Чунки дастурда эълон қилинмаган бир қанча ёш ижрочиларнинг чиқишлари кўпчиликка маъқул бўлмади. Афсуски, концертларда қатнашиши керак бўлган ва «реклама» қилинган хонандалардан ярми иштирок этмади. Концерт тугагач, ҳар тарафдан Илҳом Фармонов, Озода, «Аср», «Хўжа», «Болалар», Равшан Собиров қани, деган саволлар ёғилиб кетди.

Наҳотки, бир ой давомида жар солиб тарғиб этилган концертнинг аҳволи шу бўлса. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу мухлисларга нисбатан нописандликми ёки дастур ташкилотчилари билан тузилган шартномалар хонандаларни қониқтирмаганми?

Хулас, кўплаб томошабинларнинг бу концерт дастуридан ҳафсаласи пир бўлди. Менимча, бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас! Концерт ташкилотчиларининг бундай саёз дастурни ташкил этишдан мақсадлари нима экан?

Мавлуда ОЧИЛОВА,
уй бекаси

Акс-садо

МАЪНАВИЯТ ЧАШМАСИ

Ташаббуснинг қаноти бор

Мўътабар ҳафтаномамизнинг аввалги сонида Гулчеҳра Умаровнинг «КИТОБ — ЖАВОН БЕЗАГИ ЭМАС» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Муаллиф бу долзарб мушоҳадасида маънавиятнинг жуда муҳим масаласини ўртага қўяди, китобхонларни, жамоатчиликни китобни қадрлашга даъват этади. Бинобарин ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида китобни китобхонга етказиш чоралари ҳақидаги мулоҳазаларини ўқувчилар муҳокамасига ҳавола қилади.

Албатта, бу масалада асосий андиша бозор иқтисодиёти муаммоларига бориб тақалади. Яъни, бир одам бой — хоҳлаган китобини истаган нархда сотиб олиб ўқиши мумкин. Бошқа бировнинг эса сотиб олишга қурби етмаслиги мумкин. Шундай шароитда нима қилиш керак?

Муаллиф бу саволга жуда тўғри жавоб топиб, қутубхоналар хизматидан фойдаланишни таклиф этади.

Албатта, бу борада гап фақат шаҳар ва туман марказларидаги оз сонли қутубхоналар ҳақидагина бораётгани йўқ. Давлат тасарруфидаги қутубхоналардан ташқари жуда кўп жамоатчилик қутубхоналари ҳам мавжуд. Чунончи, мен Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ўз заҳирасидаги тахминан юз минг жилд китобдан Мирзачўл воҳасидаги пахтакор хўжаликларда ташкил этган ет-тита қутубхонани ҳамон эслайман. Ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, адабий-бадиий китоблардан таркиб топган бу қутубхоналар ўз вақтида илм-фан, бадиий адабиёт мухлисларининг севимли масканларига айланган эди. Афсуски, саксонинчи йилларда халқимиз бошига тушган офат, «пахта иши», «ўзбек иши» деган бало маърифатимиз ниҳолларини ҳам қуритди, водийларда ёқилган маърифат чироқлари бир неча йилларга хира тортди...

Мана энди, мустақиллик даврида, маънавият, маърифат, маданият, санъат ва адабиёт барқ уриб ривожланаётган шароитда китобга эҳтиёж — тарихимиз, ҳозирги қайноқ ҳаётимиз, дадил ва кенг интилишларимиз, буюк ва истиқболли жасоратлар маъносини англатувчи адабиётга эҳтиёж яққол сезилмоқда.

Инсон маънавий чанқоқлигини қондириш, бунинг учун уни зарур адабиёт билан таъминлаш долзарб масалага айланди.

Халқ учун жамоатчилик кутубхоналари ташкил этишнинг ўта зарурлигини таъкидлаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, ҳозир нима кўп — китоб бозори кўп. Тошкентда ҳам, бошқа шаҳар ва туманларда ҳам бозорларнинг энг кўримли ва кўркам жойларини китобфурушлар эгаллаганлар.

Бир мисол. Тошкентнинг марказини кесиб ўтган Буюк Турон кўчасида бир нечта китоб бозори бор. Метро, автобус, троллейбус бекатлари, чорраҳалар, майдонлар, хиёбонлар — одамлар гавжум ҳамма ерда тонг отиши биланоқ китоб бозорлари пайдо бўлади, бинобарин, сиз орзу қилган илмий, бадиий, тарихий, техникавий китобларнинг ҳаммаси мавжуд. Китобфурушлар бу серфойда савдонинг ҳавосини олишган.

— Мана бу «Русча — инглизча луғат» неча пул? — сўрайман.

— Ўн икки минг сўм. — Китобфуруш менга тикилиб қарагач, таниб қолди шекилли: — сиз учун китобнинг эгаси билан сўзлашиб, нархини бир оз тушириб бераман, — дейди...

Бозор — бозор. Унинг ўзига яраша қонунлари бор. Лекин бозорни фақат ўз шахсий манфаатига хизмат қилдираётган савдогарлар кундан-кунга кўпайиб бораётгани, улар китоб бозорларини ҳам қўлга олиб, ўз шахсий манфаатларига бўйсундирганини айтмай бўлмайди.

Лекин биз, зиёлилар, ёзувчилар, ноширлар, китобсеварлар маънавият уммонидан баҳраманд бўлишда давом этамиз. Бунинг учун бор имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланамиз. Шундай имкониятлардан бири, бинобарин, энг самаралиси — кутубхонадир.

Жамоат кутубхоналарини фақат шаҳар ва туман марказларида эмас, қишлоқларда, жамоа хўжаликларида, корхоналарда, маҳаллаларда, хуллас, одамлар гавжум жойларда ташкил этиш айни муддаодир.

Олимлар, ёзувчилар, ноширлар, жамоат арбоблари, жами зиёлилар имконлари борича ўз китобларини ана шундай халқ кутубхоналарига совға қилсалар эл-юрт олдида савоб топадилар.

Мен ҳам халқ кутубхоналарига аввал совға қилган китобларимга қўшимча янги асарларимни ўз шахсий кутубхонамдан азиз китобхонларга туҳфа этаман.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Луқма

АРУЗ ВА МАСЪУЛИЯТ

Навоий шеърияти нашрларидаги вазн бузилишлари хусусида

Шарқ мумтоз адабиёти тарихида аруз имкониятларидан унумли фойдаланган шоирлардан бири Алишер Навоийдир. У ўз бадиий ижоди мисолида ўрта асрларда араб ва форс-тожик адабиётларида анча мукаммал ишланиб, гўзал лирик шеърлар шаклида омма-лашган аруз вазнига асосланган шеърий санъатни туркий тил имкониятлари воситасида бадиийликнинг энг баланд мақомига кўтарди ва бу билан аруз фанининг яна бир тил доирасида ҳам назарий, ҳам амалий тараққиётига асос солди. «Мезон ул-авзон» асарининг мазмуни ва шоирнинг бутун поэтик ижоди шундан гувоҳлик беради, бу вазифани буюк қалам соҳиби ўз улуғ рутбасига муносиб тарзда амалга оширди. Аммо шоирнинг туркий тилда тартиб берилган девонларининг бугунги кундаги мавжуд нашрларига кўз ташлар эканмиз, шеърлар матнларининг араб графикасидан кирилл ёзувига ўтказилиши, яъни транслитерация оқибатида жуда кўп ҳолларда вазн бузилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳодиса эса, бевосита Алишер Навоий шеърияти кейинги нашрларининг тақдири хусусида

Давоми 3-бетда

ШАҲИДЛАР ЁДИ

Боши 1-бетда

ка йилларида Туркистон ўлкасида истибдодга қарши 4500 марта (!) катта-кичик исёнлар, ғалаёнлар, норозилик намойишлари бўлиб ўтган эди. Бу рақам урушдан кейинги йилларда хорижда нашр этилган «Миллий Туркистон» журналида эълон қилинган.

Чор ҳукуматининг ўрнига келган шўролар аввал ваъдани жуда қуюқ берган бўлсалар-да, мустамлака сиёсатини ўн чандон ортиқроқ олиб боришди. Шўро ҳукумати миллий зулм бобида чинакамига «қамчисидан қон томадиган» ҳукумат бўлди. У биринчи қадамлариданоқ бутун халққа қарши террорни авж олдирди, одамларнинг оғзига қулф урди, зўравонлик билан уларни тилсиз-забонсиз қул аҳволига солишга уринди. Лениннинг 1919-1920 йиллардаги сон-саноқсиз нутқларига бир кўз югуртиринг — у бутун дунёнинг қоралашидан истиҳола қилмай, энг юксак минбарлардан, ҳатто партия съездлари ва конференциялари минбарларидан ҳам қизил террорни давлат сиёсати сифатида эълон қилди. Бу террор халқ номидан бир ҳовуч буржуазияга ва «синфий душманлар»га қарши қаратилган эмиш. Фақат «бир ҳовуч» деганлари амалда миллион-миллион қамалган, отилган оддий одамлар бўлиб чиқди. Ҳатто нон қўлтиқлаб кетаётган ёш қизни олибсотар деб тахмин қилиб, кўчанинг ўзида терговсиз-тафтишсиз отиб ўлдиришган. Бундай фактларга қарши атоқли адиб Короленко 1921 йилда Полтавадан маориф халқ комиссари А. В. Луначарскийга ёзган хатида кескин норозилик билдирган эди.

Ўша йиллар ҳаётидан яна бир ғаройиб факт эсимга тушади: 1922 йилнинг 2 июн куни «Правда»нинг биринчи саҳифасида «Қани қамчинг, диктатура» деган сарлавҳа остида буйруққа ўхшаган мақола эълон қилинган эди. Тан бериш керак — сарлавҳа чиндан ҳам дўндириб қўйилган — у дарранинг зарбасини эслатарди. Мақолада қизил террор давомида «отиб битирилмаган» зиёлиларни бартараф қилиш, уларни омон қўймаслик талаб қилинган эди. Орадан кўп ўтмай, «диктатуранинг қамчиси» чунон ҳам ишлаб кетдики, қўяверасиз — ўша йилнинг ўзида мамлакатдан энг донгдор, жаҳон илмига, маданиятига катта ҳисса қўшган 160 зиёли хорижга ҳайдаб юборилди. Булар ичида таниқли файласуфлар, тарихчилар, иқтисодчилар, врачлар, математиклар, университетларнинг етакчи профессорлари бор эди.

Бундай ваҳшиёна зуғум фақат марказда бўлган, Туркистонга ўхшаш чекка ўлкалар ундан ташқарида қолган эди, деб ўйласангиз адашасиз. Шўро замонида марказда эсган ҳар қандай шабада миллий ўлкаларга росмана бўрон бўлиб етиб келарди. Фуқаролар урушининг қонли суронлари тиниб улгурмай, бизда ҳам халққа ва биринчи навбатда зиёлиларга қарши қаратилган янги хуружлар бошланди. Узлуксиз таъқиблар, таҳқирлар, тазйиқлар, доимий қўрқув остида сақлаш, гумон ва шубҳалар, одамлар орасига нифоқ солиш, уларнинг ғуруруни синдириб, гаҳ деганда қўлга қўнадиган аҳволга солиш — бу хуружнинг энг беозор кўринишлари эди.

Фитратнинг гувоҳлигини эсланг — «Чиғатой гурунги» — маърифий-маданий тўгарак бўлган бўлса-да, унинг машғулотлари милтиқли қизил гвардиячиларнинг кузатуви остида ўтганини ёзади у. Чўлпон эса мустабид амалдорларнинг маҳаллий зиёлиларга таҳқирли муносабатларини фош қилувчи мақолалари бостирган. Аҳмад Заки Валидий Тўғон Бухорога борганида чекистларнинг назорати кучлилигидан Чўлпон билан учраша олмаганини хотираларида баён қилади. Аммо буларнинг бари ҳолва эди. Чунки 1922—1923-йиллардан бошлаб, маҳаллий зиёлиларни сабабсиз қамаш бошланади. Салимхон Тиллахонов, Убайдулла Хўжа Асадулла Хўжаевлар қамоққа олинади ва шу билан уларнинг ҳар қандай фаолиятига чек қўйилади. Худди шу йиллардан жадидлар қаттиқ таъқиб остига олинадилар. Масалан, Мунаввар Қори бот-бот тергов органларига чақирилиб, сўроқ қилиниб турилади, кейин эса уни бутунлай қамоққа олиб, отиб ташлайдилар.

Хуллас, ўзбек зиёлиларини қамаш ва қатл қилиш фақат 37-йилда ёхуд 38-йилдагина бўлган эмас, балки шўро ҳукумати, унинг жазоловчи органлари биринчи қадамлариданоқ ўзбек зиёлиларига ҳам қарши уруш ҳолатида бўлишган. Шўролар қаноти остида ўзини сувдаги балиқдек эркин ҳис қилган шоввоз чекистлар бутун халқни итоатда сақлаш учун, улардаги норозилик кайфиятларини пайдо бўлмасидан

> Мозий истиқболнинг тарозусидур, ҳар ким ўлчасун-да билсун.
>
> **Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ**

олдиноқ таг-туги билан юлиб ташлаш мақсадида тез-тез халқ ўртасида обрў-эътиборли одамларни «халқ душмани», «миллатчи» сифатида фош қилиб, улар устидан шов-шувли суд жараёнларини ўтказиб туришган. Масалан, «иноғомовчилар» иши шундай довруқли ишлардан бири бўлган. Раҳим Охунжонович Иноғомов 23 ёшида Маориф халқ комиссари этиб тайинланади. Унинг миллий туйғуси кучли бўлган, кўпгина партиявий анжуманларда ўзбекларнинг манфаатини ҳимоя қилиб чиқишдан қўрқмаган. Жумладан, 1924 йилда Акмал Икромов ва Тожиев билан бирга Сталин номига хат ёзиб, миллий кадрлардан фойдаланиш масаласида ВКП(б) Марказий Қўмитаси нотўғри йўл тутаётганини танқид қилган. 1926 йилда ЎзКП(б) Марказий Қўмитасининг пленумида давлат аппаратини ўзбеклаштиришга доир миллатпарастлик руҳида чиқиш қилган. Ёхуд 30-йилларнинг бошидаги Маннон Рамз, Боту ва бошқалар жазога тортилган «маорифчилар иши»дан сўнг 25 ёшида Ўзбекистон Олий судининг раиси бўлган Саъдулла Қосимов ва унинг «шериклари», ундан кейин «Бадриддиновчилар» суд қилинган ва отишга ҳукм қилинган.

Кўриниб турибдики, жазо органлари биринчи навбатда ўсиб келаётган, иқтидорли ёшларни нишонга олган. Айни чоқда, ижодкор ёшлар ҳам уларнинг эътиборидан четда қолган эмас. Бу йилларда нафақат Чўлпон, Боту каби шоирлар, балки Олтой каби қалам соҳиблари ҳам қатли омга учраган. Олтой биринчи ўзбек «футурист» шоири эди. Тўғри, унинг «футуристик» шеърлари пойинтар-сойинтар, ҳар қандай бадииятдан маҳрум шеърлар эди. Шунинг учун бўлса керак, бу «шеърлар» Абдулла Қодирийнинг масхарасига ҳам учраган эди. Лекин шунга қарамай, Олтой қамоққа олинади ва у «Миллий истиқлол» аксил-инқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан бири сифатида отишга ҳукм қилинади. Кейинчалик отув ҳукми қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Олтой кўп йиллар қамоқда ўтириб, фақат 1956 йилдан кейингина оқланади ва Тошкентга қайтади.

1934 йилда Олтой билан боғлиқ бир эътиборга лойиқ иш бўлган. Ўша йили 6 ноябр куни Октябрнинг 17 йиллиги муносабати билан Олтойнинг отаси Ўзбекистон НКВДсига ариза ёзиб, ўғлининг қисматини енгиллаштиришни илтимос қилган. Аризада бу одам, яъни Олтой Қориев ўзи тўғрисида маълумот ҳам берган — у 76 ёшда, 1858 йилда туғилган, 2-Давлат думасига депутат бўлган, подшога қарши бўлгани учун 1907 йилда охранка уни қамоққа олган ва беш йилга Тулага сургун қилган. У ерда Л. Н. Толстой билан учрашган. 1912 йилда Тошкентга қайтган. 1917 йилда «Шўрои ислом»нинг раиси қилиб сайланган. 1920 йилда Марказий Ижроия Қўмитанинг котиби, кейинроқ Наркомюст муовини бўлган. Кўринадики, бу зот ҳам ўз даврининг таниқли одами бўлган ва миллий манфаатлар йўлидаги курашларда олдинги ўринларда борган. Тўғри, уни бевосита қамоққа олишган эмас, бироқ ўғлининг қамоққа олиниши бежиз эмас, афтидан, жазо органлари шу йўл билан бу мўътабар одамга тазйиқ ўтказишга уринган бўлишлари мумкин. Унинг ўғли ҳақидаги аризаси оқибатсиз қолдирилган.

Жазо органлари маҳаллий халққа қарши курашда турли йўллардан кенг фойдаланганлар. Жумладан, улар қамоққа олинганларни жисмоний қийноқларга дучор қилиш билан бирга руҳий эзиш, иродасини синдириш, инсоний ғуруруни камситиш, иззат-нафсини таҳқирлаш йўлидан ҳам борганлар. Бу мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан қайтган эмаслар. Масалан, атоқли адабиётчи ва адиб Фитратни қамоққа олишдан аввал унинг уйида тинтув ўтказилади. Хўш, терговчилар унинг уйидан Фитратнинг «жиноят»га алоқадор нималарни олиб кетишган? «Аёлларнинг шоҳи костюми, шерст юбка, эркакларнинг жигарранг палтоси, тўртта қавилган кўрпа, иккита палос, битта гилам, соат, жавон, керосин билан ёндириладиган самовар, юмшоқ стуллар, ёғоч стуллар, битта ёзув столи, иккита сандиқ, патефон, мусиқа асбоблари, шахмат, ҳар хил талинкалар, лаганлар, 13та пичоқ, 16та санчқи, 8та темир қошиқ, 22та ёғоч қошиқ, 82та ҳар хил китоб ва бошқалар». Бу буюмларнинг ишга нима даҳли борлигини минг ўйласангиз ҳам тополмайсиз. Мусодара қилиш учун олиб қўйилган десангиз, уларнинг ҳеч қайсиси тузукроқ қимматга эга эмас. Хуллас, ватан, миллат озодлиги йўлида шаҳид кетган бу муҳтарам зотлар ана шундай мислсиз таҳқирларга, ақл бовар қилмайдиган хўрликларга чидашга ҳам мажбур бўлган.

Бу мисоллар денгиздан томчи, холос. Улар — шаҳид кетган Ватан ўғлонлари чинакамига элу юртни севган, озодлик иштиёқи билан ёнган ҳақиқий мард, фидокор, жасур одамлар бўлганидан далолат беради. Улар Ватан учун инсонда бўлиши мумкин бўлган энг буюк бойликни, энг бебаҳо неъматни — ҳаётларини фидо қилдилар. Шунинг учун ҳам бугун замондошларимиз уларнинг хотирасини муқаддас билиб, номларини ёд этиб, руҳларини шод қилмоқдалар.

Шаҳидлар хотирасига бағишланган ёдгорлик юртимизнинг ҳар бир вакили учун энг муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолади. Бу ерга келиб, шаҳидлар ҳақига тиловат қилган ҳар бир инсон яна бир карра уларнинг ишини давом эттиришга, мустақил юртимизни обод қилиш, ҳаётимизни фаровон этиш учун ўша қаҳрамонлардек фидокорлик билан иш юритишга жазм қилади.

СИЗНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИНГИЗ...

Тўйҳат

Тошкент деган онлар
тушар ёдима,
Менинг йигит вақтимов,
сенинг қиз вақтинг.
Самолётдан туша чопиб
ёнингга,
Ётоқхонанг эшигин
турардим қоқиб,
Менинг йигит вақтимов,
сенинг қиз вақтинг...

...Олтмишинчи йилларнинг охири, етмишинчи йиллар бошида Талабалар шаҳарчасини «забт этган» эди бу қўшиқ. Қўшиқ қорақалпоқ тилида ижро этилса-да, унинг маъно-мазмуни ҳамма учун бирдек яқин ва тушунарли бўлиб, деярли ҳамма талаба бу қўшиқнинг кўнгилга яқин мисраларини хиргойи қиларди.

Ана шу қўшиқ билан санъат оламига кириб келган Байрам Матчонов бугун олтмиш ёшини қаршилаётганига ишониш қийин. Лекин умр асов бир дарё, уни жиловлаб бўлмас экан. Фақат ана шу умрни ҳар ким имконига қараб ўтказади. Байрам ака учун умр сермазмун кечди. Ўтган йиллар мобайнида Байрам оғанинг ижоди ўсиб, гуллаб-яшнади. У ўзининг ширали овози билан ҳар бир хонадонга кириб борди, ҳақиқий мухлислар орттирди. Байрам оғанинг Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Бошқирдистон халқ артисти деган фахрли унвонларга, Ҳамза номидаги, Бердах номидаги мукофотларга сазовор бўлиши фидойи меҳнатларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Байрам оға Матчонов ҳозир ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмаси раисининг маданият ишлари бўйича ўринбосари бўлиш билан бирга, янгиянги қўшиқлари билан халқимизга хизмат қилиб келмоқда.

Байрам оғани муборак олтмиш ёши билан самимий табриклаб, у кишига мустаҳкам соғлик ва ижодларига барака тилаб қоламиз.

«ДЎСТ БЎЛСАНГ, ЁНИМДА ТУР»

Эътироф

Машҳур ҳофизимизнинг эл оғзига тушган бир қўшиғи бор: «Дўст бўлсанг, ёнимда тур». Ҳар қачон шу сатрни эсласам, роппа-роса ўттиз етти йилдан бери ҳам сафдошим, ҳам ҳамкорим бўлиб келаётган, айни кунларда қутлуғ олтмиш ёшини нишонлаётган дўстим, моҳир созанда, педагог ва мусиқашунос, педагогика фанлари номзоди, доцент Файзулла Тўраевда худди шундай ёнда тура билиш садоқатини муттасил ҳис этиб келаман.

Аслида унинг олимлик мартабасига эришгунча босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам ибратлидир. Оддий деҳқон Тўра саркорнинг хонадонида кенжа ўғил бўлиб туғилган Файзулланинг болалиги иккинчи жаҳон уруши кечган оғир йилларга тўғри келди. У ҳам барча тенгдошлари қатори уруш азиятларидан бенасиб қолмади. Файзулла мактабда адабиёт тўгарагига фаол қатнашди, яккахон қўшиқчи сифатида туман ва вилоят миқёсида ўтказилган ашула байрамларида совринли ўринларга мушарраф бўлди. Хуллас, ёшликдан мусиқага ихлос қўйган Ф. Тўраевнинг кейинги ҳаёти ва фаолияти санъат билан чамбарчас боғланди.

Файзулла Тўраев консерваторияни 1963 йили моҳир созанда сифатида тугатиб, она юрти — Бухорои шарифга қайтди. Ўшандан бери у Бухоро давлат университетининг мусиқа назарияси ва халқ чолғу асбоблари кафедрасида ҳормай-толмай ёшларга сабоқ бериб келаётир. Шу масканда оддий ўқитувчиликдан доцентликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Узоқ муддат шу кафедрага раҳбарлик қилди. Эндиликда устоз-мураббий сифатида ўз ўрнига эга бўлган Ф. Тўраевнинг шогирдлари сафида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров, Туркманистонда хизмат кўрсатган артист Имомқул Ёллиев, доцентлар Бахтиёр Мустафоев, Олимжон Файзиев ва Усмон Иноятов, Усмон Жабборов сингари кўплаб эл севган хушовоз хонандаю иқтидорли педагоглар бор.

Олим иқтидори ва имконияти даражасида XIX—XX асрларда Бухорода яшаб ижод этган Ота Жалол, Қори Камол, Леви Бобохонов, Домла Ҳалим Ибодов, Уста Шоди Азизов, Қори Каромати Дилкаш, Аюб Қодиров, Маъруфжон Тошпўлатов, Аҳмад Ихтиёров, Ориф Атоев ва бошқа кўплаб мақомдон-созандалар ва хонандалар ҳақида элликка яқин мақолалар ёзди, уларнинг маҳорат сирларини кўрсатишга интилди. Қолаверса, ўзи ҳам «Гулдаста», «Баҳор келди», «Баҳор», «Қор», «Боғча ялласи», «Баҳоржон», «Гулга ошиқ» ва «Онажоним» сингари қувноқ, болаларбоп ашулалар ва лирик қўшиқларга мусиқа басталади.

Фолклоршунос сифатида узоқ йиллардан бери бухороликларнинг беҳад қимматли, лекин ҳанузгача махсус тўпланмаган ва ўрганилмаган қувноқ рақс ва қўшиқлардан иборат «Бухороча» ва «Мавриги» мусиқий туркумларини кузатиб келаман. Мусиқий савод жиҳатидан қийналганим туфайли мусиқашунос олим Файзулла Тўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ориф Атоев, профессор Мелс Маҳмудовлар билан ҳамкорликка аҳд қилдим. Яқинда шу тадқиқотни интиҳосига етказдик. Шунда катта иш жараёнида бир лаҳза жилмай ёнимда турган садоқатли дўстимиз Файзулла Тўраевни қутлуғ ёш билан қизғин табриклаб эканман, у кишига ҳамиша соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламан.

Охунжон САФАРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

МУҚАДДАСДИР ВАТАН ТАРИХИ

Доимий ҳамроҳ

Ватанга муҳаббат — энг юксак инсоний туйғулардан биридир. Ватанпарварлик, миллий ғурур ва ўзликни англаш хусусиятларининг доясидир — Ватанга муҳаббатдир. Ўз Ватанини севган одам, уни ҳимоя қилади, кўз қорачиғидай асраб-авайлайди. Фарзандларига озод ва обод Ватанни мерос қолдириш учун меҳнат қилади, заҳмат чекади. Айни пайтда ўз Ватанини севган одам бошқаларнинг Ватанини ҳам ҳурмат қилади. Тинчлик, тотувлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга интилади. Умуминсоний қадриятларга амал қилади.

Ватан тарихини ўрганиш Ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлайди. Кўнгилларда ватанпарварлик ва миллий ғурур фазилатларини барқарор этади. Ўз Ватани тарихини билган одам фарзандларига Ватанни қандай севиш зарурлигини ўргатади. Ватанни ўрганиш сабоқларини беради.

Яқинда «Насаф» нашриётида чоп этилган «Дарбанд — қадимий макон» номли китобни ҳам Ватанни ўрганишга интилиш йўлидаги бир ҳаракат сифатида қайд этиш мумкин. Китоб муаллифи Полвон Шоимов Сурхондарё вилояти Дарбанд қишлоғида яшайди. Ўз она қишлоғининг тарихини ўрганиш унинг учун муқаддас мақсад. Ана шу мақсад уни ўлкашунослик, қадимшунослик мавзуларида қалам тебратишга ундади. Тарих фанлари доктори Э. Т. Ртвеладзе «Дарбанд —қадимий макон» китобига ёзган сўзбошисида Полвон Шоимовнинг тарихнавислик фаолияти ҳақида қисқача маълумот берган.

Китоб мундарижасидан жой олган «Дарбанд», «Темир дарвоза — бу мўъжиза», «Дарбанд қўрғонлари», «Дидбон ёки Дудбон», «Туркон дарё» каби мақолаларда қадимий Сурхондарё ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Шунингдек, китобга Дарбанд аҳолисининг урф-одатлари ва маросимлари, Дарбанд атрофидаги жойлар топоними, дарбандликларнинг аср бошидаги ва бугунги ҳаёти ҳақидаги мақолалар ҳам киритилган.

Она Ватанимиз тарихига, маънавий-маданий қадриятларимизга катта эътибор қаратилаётган бугунги кунда бундай китоблар муҳим аҳамиятга эга. Бироқ «Дарбанд — қадимий макон» китоби тарихий-илмий тизим асосида чоп этилганида нур устига нур бўлар эди.

Юсуф ВАЛИЗОДА ДАРБАНДИЙ



ИНТИЛИШ

Яқинда Миллий рассомлик ва дизайн институтида тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси мудири, доцент Шоира Ғуломова ташаббуси билан «Талабалар илмий-ижодий тўгараги» тузилди. Ушбу тўгаракка институтнинг санъатшунослик ва музейшунослик бўлимлари талабалари аъзо бўлишган.

Тўгарак аъзолари III-курс талабаси Дармон Курязова бошчилигида ёш ижодкор талаба-рассомлар ўртасида ижодий учрашувлар, кўргазмалар, конференциялар ташкил этмоқдалар.

Илк кўргазма институт қошида 1999 йилнинг ноябр ойида ўтказилганди. Унда дастгоҳли рангтасвир бўлимининг III-курс талабаси Анвар Шодиевнинг «Қалбим сози — Бухоро» деб номланган кўргазмаси намойиш қилинди. Ушбу кўргазмадан ёш рассомнинг Бухоро меъморий обидалари тасвирланган асарлари алоҳида ўрин олди. Шунингдек, институтда III-курс талабаси Роҳат Асқаров ва ёш талаба қизларнинг «Аёл қўлларининг мўъжизаси» номли кўргазмалари очилди.

Рассом-талабаларнинг энг яхши асарлари танлаб олиниб, Тошкент давлат маданият институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат алоқа институтида кўчма кўргазмалар ташкил этилди.

Дилсора СУЮНОВА

Матназар АБДУЛҲАКИМ

ИСТИҚЛОЛ ДАРАХТИ

Адиб ва жамият

• Боғ Оллоҳ маърифати битилган китобдир
• Ҳомийлик маданиятини биламизми?
• Ўз «Париж»ларини туғилиб ўсган тупроқдан излаган авлод

Ҳаёт уммонга менгзайди. Фаолиятдан тўхтасак, уммон узра парвози тугаган лочин аҳволига тушиш мумкин. Бинобарин, инсон эзгу ниятларга йўғрилган бир матонат билан ҳаёт кечирмоғи ва ана шу ниятига етмак учун тинимсиз саъй-ҳаракатда бўлмоғи зарур. Зеро, бир файласуф айтган экан: одам ётса — ўлимга яқинлашади, туриб ўтирса — сал узоқлашади, тик турса — ўлим анча узоқда қолиб кетади, юраётган одам ўлимдан яна ҳам олислашади, чопқиллаётган одамга эса ўлим мутлақо яқин йўлай олмайди. Мен бу ҳаракатлар мажмуасини бутун бир эзгу фаолиятларнинг йиғиндиси сифатида кўзда тутиб гапирмоқдаман. Биз, энг муҳими, руҳан, маънан турғун ҳолатга тушмаслигимиз керак. Зотан руҳий сўрғъат бошқа барча шиддатларни келтириб чиқаради.

Биз истиқлолнинг тўққизинчи йилида ҳаёт кечирмоқдамиз.

А.Чехов «Мен қулликни қон таначаларимдан бирма-бир ситиб чиқарганман», деб ёзган эди. Одамнинг қони неча миллиард заррадан иборат эканлигини мен билмайман, бироқ адибнинг мазкур гапи — инсоннинг ўз нуқсонларидан халос бўлиши нақадар машаққатли кечишини аниқ ифода этган. Бироқ шуниси аниқки, мустақил халқ мустақил шахслардангина таркиб топиши мумкин. Комил бир халқ осмондан гуп этиб тушиб, пайдо бўлиб қолмайди. Бу халқ сендан, мендан, ундан жам бўлиб шаклланади. Шунингдек, биз ҳозир фаол орзу қилаётган буюк келажак ҳам бугунимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу дамни тут ғаниматким, келар дамдан асар йўқтур,
Не дамким ўтди, ҳуд, андин киши топмас нишон ҳаргиз, —

дейди Алишер Навоий ҳазратлари. Биз, бир лаҳза бўлсин, ғанимат дамда яшаётган ғанимат одам эканлигимизни унут қилмаслигимиз лозим, шундагина халқимизнинг, Худо билсин, неча минг йиллар кечирадиган ҳаётини таъмин этган бўламиз. Истиқлолимизнинг даражаси эса биз қон таначаларимиздан ситиб чиқарган қулликнинг миқдорига тўғри пропорционалдир.

Астрахан шаҳрига қилган сафаримдаги бир воқеа сира эсдан чиқмайди. Бир неча йил муқадам бизни у ердаги юртдошларимиз Наврўз байрамида иштирок этиш учун таклиф қилган эдилар. Мен тиғиз вақтимиздан бир-икки соатни чиғириб, Велимир Хлебниковнинг уй-музейини зиёрат қиладиган бўлдим. Йўл-йўлакай астраханликларни тўхтатиб, ундан уй-музей қаерда, деб сўрайман — билмайди, бундан сўрайман — билмайди, ниҳоят, не бир машаққатлар билан музейни топиб бордим, кирдиму, сўзамоллик қилиб «Сизларни ёмон билишаркан, неча ўнлаб одамдан суриштириб, зўрға топиб келдим» дедим. Музей директори заковатли одам экан, «Қаердан келдингиз?» деб сўради. «Хоразмдан» — жавоб қилдим мен. «Хоразмдан-ки бизни топиб келибсиз, демак, бизни сиз ўйлаганчалик ёмон билишмас экан», — деди мени мот қилиб.

Биз нимани истаётганимизни билсак, уни бир кунмас-бир кун албатта топиб боражакмиз. Озод заминда яшаётган эрки барқарор халқ учун бу муҳимдир. Лекин шуниси аниқки, истиқлол меҳнаткаш халқнинг тўкис бахтидан иборат бўлмоғи керак. Етти яшардан етмиш яшаргача, ёшуллию ёшкичик — ҳамма ана шу йўлда тинимсиз ва самарали изланишлар олиб борсагина, биз теран нафас олиб, мустақилмиз, деб айта оламиз. Негаки, истиқлолнинг бизга нима бериши, бизнинг истиқлолга нима беришимиз — эт билан тирноқдай бир гап. Буларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

— Шундай бўлса-да, мен барибир, ўз ўзимга савол бераман — истиқлол бизга нима берди? Етмишинчи йилларнинг охирлари эди. Туман рўзномасида тез-тез эълон қилинаётган шеърларимдан маст-аласт, матбуот банги бўлиб юрган вақтларим. Ғафур Ғулом номидаги нашриётга илк тўпламимни топширдим. Йиллар ўтди. Китоб чиқавермагач, руҳим тушиб, шеър ёзишниям деярли йиғиштирган эдим, раҳматлик Шавкат Раҳмондан хат келиб қолди: «Янги шеърларингизни олиб келинг, тўпламингизга шеър етишмаяпти». Тўпламни янги шеърлар билан тўлдиргач, илк китобим бир неча йил деганда чиқди. Ҳозир бўлса Баҳром Рўзимуҳаммад, Болтабой Бекматов, Маҳмуд Ражаб, Ғавҳар Ибодуллаева, Йўлдош Эшмуродов, Дурпошша Худойназарова сингари асарлари мамлакатимиз катта адабиётининг энг жиддий тарозуларида тош босадиган муаллифларнинг қанчадан-қанча илк тўпламлари қисқа вақт ичида дунё юзини кўрмоқда. Ўзимнингда бир нечта китобларим вилоят нашриётларида чоп этилганлигини миннатдорлик билан эътироф этганим ҳолда, бир фикрни таъкидламоқчиман — биз муаллифлар ўз-ўзимизга «Нашриётларнинг муаллифларга меҳрини суиистеъмол қилмаётибманми?» деган саволни тез-тез бериб турсак, фойдадан холи бўлмайди. Бундан фақат адабиётимиз соғломлашади, ўқувчилар ютади. Бу соҳада ношир дўстларимизга ёрдам беришнинг, фикримча, бир йўли бор, яъни иқтисодий имконият соҳиблари ўзларида ҳомийлик маданиятини тарбиялашни обдон уйлаб кўрсалар, нур устига нур бўлган бўлур эди. Бировнинг қўли билан ўт кавлаб бўлмайди. Модомики, имконларига кўра адабиётимизнинг ҳомийлари бўлмиш мулкдорлар синфи шаклланаётган экан, бу синф вакилларининг ўзлари маърифатли, бадиий асарлар ва ўзлари ҳомийлик қилишлари керак бўлган санъатнинг бошқа соҳаларидан теран воқиф, юксак савияли одамлар сифатида камол топиб бормас эканлар, улар бу соҳаларга ўзларининг мутлақо эзгу ният билан сарфламоқчи бўлган маблағларини ўрнига ташлай олмайдилар. Шунинг учун ҳам мен маърифатли раҳбарларни, тадбиркорларни учратганимда қаттиқ қувонаман. Чунки бундай одамлар иқтисодиётимизнигина ривожлантириб қолмасдан, маданиятимизни тараққий топтиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўша оладилар.

Таржимачилик машғулотим табиатига кўра мозий билан кўпроқ боғланиб қолган бир одамман. Бундай машғулотим Герберт Уэлснинг «Вақт машинаси»га ўхшаб одамни қадимий замонларга суриб олиб кетиб қолади, ҳаётингда шундай кунлар бўладики, давр туйғусини йўқотасан киши. Бу менга нисбатан, эҳтимол, муайян даражада кечирарли бир ҳолатдир. Бироқ ўз касбига кўра қадимшунос бўлмаган, бугуннинг нафаси билан яшаётган замондошларимиз учун бунақанги бир томонга оғиб кетишни мен манфаатли деб ўйламайман. Мен мамлакатимиз ўтмиши, келажаги мезонининг елкаси айни шу бугун бўлмоғи керак деб ҳисоблайман. Яна ҳам мажозийроқ фикрлайдиган бўлсам, ўтмиш, бугун ва келажак биз учун бир бутун дарахтдек бир гап. Бу дарахтнинг илдизи — ўтмиш, танаси бугун, мевалари бўлса — келажакдир. Демоқчиманки, биз ўтмишни ўрганганимизда, бу ўрганишнинг бугун учун, келажак учун қай даражада манфаатли эканлигини бир лаҳза бўлсин унутишга ҳақли эмасмиз.

Кўйғил ўтмиш ҳасратин, сен илгари бўл, олға бос,
Ортга кўп боққан соқолин бир куни дум қилғуси, —

дейди Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари. Шоирнинг байтидан маълум бўладики, гап, умуман ортга боқмасликда эмас, балки «кўп боқмаслик»да. Демоқчиманки, илдизи соғлом дарахтга ҳам, у парвариш қилиб турилмаса, қурт тушиши мумкин. Зараркунандалардан муҳофаза қилиб турилмаган танаси соғлом дарахтнинг ҳам ярпоқ ва меваларини текинхўр ҳашаротлар нес-нобуд қилиб ташлаши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам мен мамлакатимиз раҳбариятининг Ўзбекистон тараққиётини таъминлайдиган комплекс тадбирларни амалга ошириш борасида олиб бораётган изчил фаолиятидан мамнунман.

Мен бир фуқаро, бир зиёли сифатида марказ ва минтақаларнинг ўзаро муносабати ҳақида ўйлайман. Бугун Тошкентда эртаклардаги сингари кун сайин эмас, балки соат сайин қад ростлаётган муҳташам иморатларни кўриб қувонаман. Бироқ, Урганч шаҳридаги қурилишлар мени бундан кам ҳай-

АРУЗ ВА МАСЪУЛИЯТ

Боши 1-бетда

ҳам безовталик ҳиссини уйғотади. Чунки лотин ёзувига ўтишимиз муносабати билан бу соҳада яна янги муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Араб алифбосининг туркий тил эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги ва бу тил имкониятларини анча чегаралаб қўйиши, арузда битилган назмий асарларда бирор ҳарфнинг нотабиий чўзилиши билан боғлиқ нуқсонлар юз бериши хусусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврида мухтасар маълумот берган эди. Маълумки, вазн шеърий мисраларда кўп ноаниқликларни равшанлаштиради. Сўз таркиби, талаффузи, шакл ва бўғинлари, мажозий маъно, кўпҳанглилик каби унсурлар вазн талабларидан келиб чиқади. Агар матнда баъзи англашилмовчиликлар кўзга ташланса, уни вазн талаблари нуқтаи назаридан текшириб, аниқлик киритиш мумкин. Ана шу нуқтаи назардан Навоий ғазаллари ва бошқа жанрлардаги лирик асарлари транслитерациясида аруз вазнларининг бузилишига сабаб бўладиган айрим хатоларга эътиборни қаратмоқчимиз.

Ғазаллар матнларида баъзан **а** фонемасининг **о** шаклида ёки аксинча ёзилиши натижасида жуда катта хатоликлар юз берган. Жумладан, бундай хатоликларни Алишер Навоий 20 жилдлигининг III, IV, V жилдларида кўплаб учратиш мумкин. Мана, бир мисол: «Бадоеъ ул-васат» девонидаги 604-ғазалнинг радифи «ани»дир, яъни «уни». Нашрда эса, бу сўз «они» шаклида келади. Ғазал мусамман бўлиб, рамал баҳрида ёзилган. «Ани» феълининг «они» шаклида келиши эса, тўртинчи рукнда вазннинг бузилишига сабаб бўлади. Яъни, НА(V) қисқа ҳижоси ўрнида НО(—) узун ҳижоси ҳосил бўлади. Ғазални ўқиб, бунга амин бўлиш мумкин:

Гул не бўлғайким юзунг
ҳажрида кўргаймен они,
Сепсалар кулбамга хас
янглиғ супургаймен они.
Базмидин бўлса насибим
бир сўнгак то умри бор,
Ислағаймен, йўқса ит
янглиғ кўмургаймен они...

«ОНИ»ни «АНИ» деб тузатиб ёзсак, ғазал матнининг муаллиф нусхаси юзага келади.

Яна шундай мисоллар: «Фавойид ул-кибар» девонида берилган Навоийнинг ўз ғазалига мухаммаси арузнинг рамали мусаммани мақсур маҳзуф вазнида ёзилган. Мухаммаснинг илк мисрасидаёқ, «тенгсиз, ўхшаши йўқ» маносидаги «беҳамто» сўзи «бехамто» тарзида хато берилган. Иккинчи банднинг биринчи ва бешинчи мисраларида вазн бузилган. Яъни, биринчи мисрадаги «саркаш» сўзи «саркаши» тарзида, бешинчи мисрадаги «маҳваш» сўзи эса «маҳваши» тарзида берилиб, мисралар ҳашвларида биттадан чўзиқ ҳижо ортишига сабаб бўлган. Эътибор қилинг(нашр матни):

Саркаши аблақ секретиб,
даврондек ул хуршидваш...

/—v—v—/—v——/—v——/—v—

Ёки:

Кўрмадук бу навъ
маҳваши чобуку раъно
йигит.

/—v——/—v—v—/—v——/—v—

Ваҳоланки, ушбу мисраларда баъзан битта ҳарф ҳам битта қисқа ҳижо бўлиб келаяпти. Бундан ташқари, маъно-мазмун нуқтаи назаридан ҳам хатолик юз берган. Биринчи ҳолатда саркаш (тинч турмайдиган) от ҳақида гап кетаяпти, у «саркаш аблақ» дейилади, «и» қўшимчасининг ҳожати йўқ. Иккинчи ҳолатда, эса, агар грамматик жиҳатдан сифат уюшиб келса, у ҳолда «маҳваши чобуку раъно йигит» эмас, балки «маҳвашу чобуку раъно» тарзида бўлади...

Шунингдек, **а—о, и—э, а—jo** унли товушлари транслитерациясида ҳам англашилмовчиликлар бор. Жумладан, шу мухаммаснинг қуйидаги мисраларида **о** товуши ўрнида а берилган. Маълумки, **о** чўзиқ ҳижода табиий жаранглайди. Бу ўринда **а** келтирилса, сохта чўзиқ талаффуз этилгандек тасаввур уйғонади. Эътибор қилинг:

Неча шайхи хонақаҳ
авродида фарёд этай,
Дермен эмди бош олиб
дайри фано САРИ кетай.

«Сори» (со:ри:), деб ёзилиши лозим. Ёки:

Эй Навоий, ҚАРИБ ўзни
солмаким, айлар сени,
Бир қадаҳ май бирла ул
шўхи ҚАДАҲ ПАЙМО йигит.

«Қориб» (қо:=рибуз=ни) — фо ило тун — ёзилиши керак. Бундан ташқари, «қадаҳпаймо» сўзи қўшиб ёзилади.

Қуйидаги мисрада эса **а** ўрнида **о** келган, ҳижо мажбурий бир тарзда чўзилиб, оҳангдаги равонлик йўқолган:

Ишқ ўтидин қисматим
дарду балому қилмадинг!
Дуди бирла хонумонимни
ҚОРОМУ қилмадинг!

«Қарому» /v——/ ёзилиши керак. Чунки, «қо» — узун ҳижо, «қа» эса, қисқа ҳижо.

Шоирнинг «эй кўнгул» радифли мусамманининг қуйидаги мисраларида ҳам шу мазмундаги хатоликлар кўзга ташланади:

Ваҳки, бўлдук ЯНА ҳажри
илгидин зор, эй кўнгул,

«Ёна» бўлиши керак:

Бу эмас дардики, АНИ
дафъ эта олғай табиб.

«Они» ёзилиши лозим ва ҳоказо. Бу каби хатоликлар, афсуски, Алишер Навоийнинг шу кунгача кирилл ёзувида нашр этилган барча девонларида кўплаб учрайди. Буюк аллома бобокалонимизнинг туркий шеъриятда аруз тараққиётига қўшган бетимсол ҳиссасини унутмаган ҳолда, ул олий зот бадиий мероси нашрларига бундан кейин жуда эҳтиёткорлик, билим ва масъулият билан ёндашилади, деб умид қиламиз.

Дилором САЛОҲИЙ,
филология фанлари
номзоди
Самарқанд

Адабий танқид тарихидан

Истиқлол халқимизга қадриятларимиз билан бирга маданиятимиз ва адабиётимиз ривожи йўлида хизмат қилган алломалар, олим ва ижодкорлар номини ҳам қайтариб берди. Хусусан, адабий танқидчилик фанининг шаклланиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Абдурауф Фитрат, Абдураҳмон Саъдий, Ғози Юнус, Сотти Ҳусайн, Вадуд Маҳмуд, Миёнбузрук Солиҳов каби алломаларнинг илмий мероси бугунги кунда кенг ва тўла ўрганишга киришилгани ҳам мустақиллигимиз шарофатидир. Миллат озодлиги ва халқ маърифати йўлида жонбозлик кўрсатган ватандошларимиз сиймосини эъзозлаш, улар меросига янгича ёндашиш, номларини қадрлаш ва шарафлаш бугунги авлодларнинг бурчидир. Шу маънода ўзбек адабий танқидчилиги тарихида профессор Абдураҳмон Саъдийнинг тутган ўрнини белгилаш, ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

Олимнинг «Амалий ҳамда адабиёт дарслари» китоби ўз замонаси учун муҳим воқеа бўлган эди. Қолаверса, А. Саъдий қаламига мансуб асарларда мунаққиднинг теран кузатувлари, талабчанлиги, мавзулар кўламининг кенглигига гувоҳ бўлиш мумкин. Олимнинг «Ўзбек ёш шоирлари» туркумидаги «Фитратнинг шоирлиги», «Фитратнинг томошолиқ ҳам ҳикоялари», «Ўзгариш даврида ўзбек адабиёти», «Имом Ғаззолий», «Яссавий ким эди?», «Чиғатой ва ўзбек адабиёти ҳам шоирлари» каби мақолалари ўша давр маданий ҳаёти, адабий жараёнини ўрганиш, мунозарали масалаларга аниқлик киритиш, умуман, XX аср адабиётимиз тарихи муаммоларини ёритишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Абдураҳмон Саъдийнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган «Гўзал санъат дунёсида» мақоласи мунаққид ҳақидаги фикрларингизни тўлдиришга хизмат қилса ажаб эмас.

Нилуфар МЎМИНОВА,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти

Абдураҳмон САЪДИЙ

ГЎЗАЛ САНЪАТ ДУНЁСИДА

УШБУ САРЛАВҲА ОСТИДА гўзал санъат, шеър ва шоирлар тўғрисида қисқа ва мужмал равишдагина «Инқилоб» журнали ўқуғучилари билан билимларимизни ўртоқлашмоқчи бўлдик. Иккинчи турлук айтганда, гўзал санъат хусусида турлук мажлислар очамизки, бу мажлисларимизда умуман гўзал санъат «Санойи нафиса» ва хусусан адабиёт ва шеър тўғрисидаги билим ва тушунчаларимизнинг ёлғуз матнлари тақдим қилина борғусидир. Ниҳоят чиғатой ва ўзбек шоирлари орасида танқид ва такрир айтилгусидир. Мақолаларимиз «эни бор» мақолаларға ўхшаш бўлмасдан узунданузун мақолаларға ўхшаш йўл билан борадир.

Гўзал санъат. Гўзал санъат нимадир? Гўзал санъатни ҳар хил таъриф этадилар: 1) Гўзал санъат — гўзалликни ифода қилишдан иборатдир, лекин «Гўзаллик» — замон муҳитига олғон тарбияга қозонилғон билим ва одатларға, турлук миллий хусусиятларга қараб доимо ўзгариб турған нисбий ва тоифий бир нарсадир, қатъий эмасдир.

Гўзал санъатнинг ҳақиқатини англамоқ ва уни дуруст, тўғри таъриф қилмоқ учун уни илгаридан ҳозирланиб қўйилғон назарий ва фикрий бир мезон билан ўлчарлар эдики, бу хато бир йўлдир.

Бу тўғрида энг тўғри йўл: гўзал санъатнинг ҳақиқат ҳолида нимадан иборат бўлғани ва қандай бир нарса эканин тўғридан-тўғри санъатнинг ўзидан суриштириб топиш керакдир. Юқоридаги таъриф — мана шундай қилғонликнинг натижасидан туққон бир хатоликдир.

Гўзаллик ҳақидаги онг ва тасаввурлар замон ўтиши билан турлук айрим миллатлардагина эмас, ҳатто айрим шахсларда ҳам уларнинг руҳий ҳоллари ўзгаришига қараб ўзгаратурғон бир нарсадирлар. Кишиларнинг гўзаллик тўғрисида ёшлиқ замонларидаги онг ва тасаввурлари билан қарилиқ замонларидаги онг ва тасаввурлари орасида кўб айирма бўлғанидек, ўқуған одамлар билан ўқумасдан нодон ва оми ҳолатда қолған одамларнинг гўзалликлари орасида ҳам фарқ жуда кўбдир. Бунга йўқсулларнинг тарзидаги гўзаллик билан буржуа ва ағниё тарзидаги гўзалликлар орасида бўлғон катта фарқларни ҳам илова қилиш мумкиндир.

Зотан, бундай бўлиши жуда табиий бир ҳолдир. Чунки гўзаллик ўз-ўзига айрим бир равишда борлиққа молик бўлған тамом миқсол бир нарса эмас, балки бизнинг шеъриятлик ёки шеъриятсиз бир равишда тушунча ва ҳукмларимизнинг натижасидан иборатдир. Табиат оламида гўзал ва ноғўзал йўқдир. Бу икки хусусият бор оташи билан табиат олдида баробардир. Табиатдаги нарсаларнинг, табиий ва санойиъ кўринишларнинг гўзалликлари уларнинг нафис умрда гўзал бўлғонликларидан эмас, балки бизнинг ўз руҳий ҳолатимизга мувақта, уларни шундай англағонлиғимиздандир. Демак, гўзаллик нарса ва одамларнинг ўзларида йўқдир. Улардаги бу хусусият — бизнинг ўз таърифимиздан уларга қўшилғон онг ва тасаввурларимиздан иборатдир.

Гўзалликни «Илоҳий бир кашфдан иборат» деб англағувчилар бўлғанидек, «Олий бир аҳлоқий онг» деб тушунгучилар ҳам бордир. «Гўзаллик — нарсалар, воқеаҳодисалар орасидаги энг комил муносабатлардан иборатдир» деган фикрни таржиҳ қилғувчилар ҳам йўқ эмасдир. Булардан бошқа тағин гўзаллик тўғрисида кўб қарашлар, тасаввурлар бордирки, гўзалликнинг ўзини англаш ҳар хил бўлғонин кўрсатишга бу кафилдир.

2) Санъат — ахлоқий ғоянинг ифодасидир. Бу таъриф ҳам эски замоннинг, бурунғиларнинг таърифи бўлуб, бу ҳам том бир таъриф эмасдир. Чунки ахлоқдан ташқари бўлған кўб гўзал санъат асарлари бордирки, бизнинг юракларимизда ажиб-ажиб тўлқунлар, бадиий ҳаяжонлар туғдирғанлиқлари учун буларгина гўзал санъатдан ҳисоб қилишға ҳақликдирлар.

3) Санъат кўз билан кўрила олмағон нарсаларни сурат қилиб англатишдан иборатдир. Асосан, бу тажрибага қурулиб, бурунғида аскетизм адабийси туғилиши эди. Яссавий, Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Бобур, Шайбонийдек улуғ турк адиб ва шоирлари ўзларининг ижодларини ва доҳийликларини шу назария доирасида кўрсатдилар. Бу назария шоирларини усмонли туркларида кўрғондек (ҳатто йигирманчи аср шоиралардан Ашоқийзода, Ҳамид Зиё кабилар ҳам шул жумладандир) немисларнинг 18 ва 19-ннчи асрдаги буюк ва доҳий шоирлари ҳам шу назарияга мансуб шоирлардан бўлғанликларини кўрамиз. Ҳар қандай бўлса ҳам, бу таъриф бир таърифликдир. Бу таъриф санъатни турмушдан узоқлаштирғучи; моддий ҳаёт ичида бўлғани ҳолда кишиларнинг муносабатларини, моддий ҳаётдан ўтуб, уларни фанолашдирғучи эски бир назариядир.

Санъатнинг энг тўғри бир таърифини топиш-чун тўғридан-тўғри гўзал санъатларнинг ўзларини сурушдириб қараш лозим эканлиги юқорида ёзилмиш эди. Энди шундай бир йўл билан тўғри бир таърифини топишқа киришайлик.

«Гўзал санъат» деган нарса беш турлук бўлуб, шеър, музика, расм, ҳайкалтарошлик ва меъморчиликдан иборатдир. Бу беш санъатнинг учи, яъни шеър, расм ва ҳайкалтарошлик тақлидий санъатлардирки, буларни кишилар ўзларининг фикр ва хаёллари, фаразлари соясида табиатга тақлид ва ундан намуна олиш йўли билан юзага чиқармишлардир. Демак, бу санъатларда қаёт ва табиат доимо намуна ва ўрнак бўладир.

САНЪАТНИ КЎБ НАВҒА БЎЛАДИРЛАР. Лекин энг мақбул бўлғони иккига бўлишдир: 1) шаклий санъат (образовательное искусство); 2) замоният санъати ёки шеър ва музика санъатидир. Биринчи бўлимга расм, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик киradир. Шаклий санъатнинг хусусияти ўрун ва масофага боғланмасдан, замон ичида зоҳир бўлишидир; илгариги уч-тўрт санъатдан биз таъсирларни кўз орқали олдийимиз ҳолда кейинги иккисидан кўз билан эмас, бошқа бир йўл билан оламиз. Музика билан меъморчилик тақлидий бўлмағон санъатлардир. Бу икки санъатда, айниқса, риёзий нисбатлар эътиборға олинадир. Булар ҳаётда ҳақиқий суратда зоҳиран кўрилмаган турлук бўлакларнинг бирга қўшилишидан юзага чиқариладир. Фақат тақлидий санъат деганимиз уч турлук санъатда ҳам табиат ва ҳаётқа тақлид тамомий эмасдир, қисмандир, яъни санъаткор ўзининг ижоди-чун намуна ва сармояни табиат ва ҳаётдан олғони ҳолда, унинг тамоман ўзин-копиясин ясамас, балки унга ўзининг хаёлидан, ўзидан ҳам бир нарса қўшадир, уни ўзгартирадир, бошқаландирадир ёки уни комиллашдирадир. Қисқаси, санъат асарлари гўё табиат кўринишлари ва табиат ҳодисаларининг киши қўли, кишининг мияси ва юраги билан тўлдирилиши, тугалланиши, комиллашдирилиши демакдир.

Санъат тақлиддан иборат дедик, шунинг билан бирга санъат ҳам турлук бўлакларнинг бир-бири билан бўлған нисбатларини ҳам тайин қиладир.

Демак, бу жиҳатдан доҳий санъат том маъноси билан тугал бир тақлид эмасдир. Ҳосила гўзал санъат қисман доҳий ижод ибтидосидир. Санъатнинг шарт ва хусусиятларидан бирисин ҳам нарсаларининг тонг санъатларини юзага чиқаришни санайдилар (масалан: кишининг тонг санъати миясининг ишлари, фикр қилиши, тушуниши бўлғони каби арслоннинг асос санъати ҳам унинг гўштхўрлигидир). Мана булар ҳақидаги санъат асарлари шул икки турлук асосий санъатларни юзага чиқариб тақсим қилиш лозимдир.

Санъат асарларининг хусусиятларидан тағин бири томоша этғучи ва тинглагучиларнинг юракларида руҳий бир озот ва ажиб бир тўлқун туғдирмоқ бўлуб, бу санъат асарлари учун энг муҳим бир хусусият, энг муҳим бир шартдир. Энг тўғриси, бу ҳатто санъатнинг энг буюк бир ғоясидир, бир санъат асари юракларда бирор ажиб тўлқун ва ажиб озот таъмли бир таъсир туғдирса, мияда ҳам ажиб бир қўзғалиш ясаса, бу асар ҳақиқий бир санъат асари бўлуб саналмоққа тамом ҳақлик бўладир. Шунинг билан бирга бундай асар гўзал санъатнинг энг буюк ва энг табиий бир ғоясига эришган саналадир.

Энди шул юқоридаги тушунчаларни юритгандан кейин гўзал санъатнинг энг тўғри бўлған бир таърифин топиш осонлашди, демакдир. Гўзал санъатнинг энг тўғри ва энг табиий таърифи шудир: «Гўзал санъат-оҳанглик сўзлар, ҳаракат ва қилиқлар, товушлар, чизиқ ва ранглар, шакллар орқали ички бир тўлқун (ҳаяжон)нинг ташқариға чиқарилишидир». Буни яна қисқартириб айтсак, «Санъат — руҳан ажиб бир озот ва бадиий бир ҳаяжон қўзғатишдан иборат» демак мумкиндир.

Санъат асарларида шахсият. Санъатда шахсият (ўзлик), яъни санъат асарларида шоир ва санъаткорларнинг ўз руҳларидан, ўзликларидан бирор турлук хусусият қотишмоқ санъат асарларининг ва санъаткорлиқнинг энг туб шартларидандир. Бусиз чин бир санъат асари юзага чиқ олмайдир.

Унутмаслик керакки, ҳар киши ташқи дунёни эмас, ўзининг ички дунёсини кўрадир. Шоир ва санъаткорнинг асари унинг ўзининг таржимайи ҳоли демакдир. Тағин тўғрисини айтсак, санъат бир унинг мияси билан юраги орқали кўринган табиат демакдир.

Санъат, замон ва муҳит. Санъат асарлари замоннинг, муҳитнинг, муҳитдаги урф ва одатларнинг, ахлоқий санъатларнинг фикр ва ҳисларнинг, ҳосил замонидаги бутун руҳий ва ижтимоий ҳолларнинг равишига мувофиқ бир суратда ва шуларнинг натижаси бўлуб зоҳир бўладир. Ўзларининг муваффақият ва қийматларини ҳам шу йўл билан қозонадирлар. Замоннинг, ҳаёт ва муҳитнинг, иқтисодий ва ижтимоий боришнинг ва шу замондаги бутун руҳий ҳолларнинг ўзгариши билан гўзал санъат асарлари ҳам ўзгарадир; уларнинг комиллашмаклари билан бу ҳам комиллашадир. Уларнинг пешланмаклари билан бу ҳам пешланиб, инқирозға юз ўгуриши жуда табиийдир.

МУҲИТДА БИР ТУРЛУК УРФ ва одатларнинг, ахлоқ ва муомала равишларининг, фикр ва ҳиссиётнинг емирилиши билан илгаридан шу амаллар натижасида туққон санъат асарлари ҳам умрларини тамом этарлар ва иккинчи турлук янги санъат асарларига ўрунларини беришга мажбур бўла борурлар. Бундан кейинги санъат асарларигина янги туққон, янги қурулғон ва янги қўзғатилғон фикрларини; янгидан-янги ҳиссиёт оташларини таъқиб этишга бошларлар. Қисқаси, санъат асарлари бирлашишнинг ва биргалик турмушнинг туғдирғон бутун янгиликларини янги равиш ва янги суратларини, янгидан-янги қиёфатларини кўрсатиб, шуларға мувофиқ иш кўриш йўлини тутарлар.

«Туркистон» газетаси, 1922 йил, 13 феврал, Тошканд

«ТУРОН ЧЕЧАКЛАРИ» ИФОРИ

Яқинда қардош Қозоғистон республикасининг Жанубий Қозоғистон вилоятида яшаб, ўз она тилларида қалам



тебратаётган ўзбекзабон ижодкорларнинг «Турон чечаклари» бадиий мажмуаси чоп этилди. «Турон чечаклари» ўз номи билан рамзий тарзда гўзал ва теран бир мазмунни ифодалайди. Мажмуадан ўрин олган энг яхши шеърий ва насрий асарлар қадим Туркистон заминидан саралаб-саралаб терилган чечаклар янглиғ бирлашиб, ажиб бир гулдастани ташкил этган. Дарҳақиқат, ҳар бир чечакнинг ўзига хос ранги ва ифори бўлгани каби «Турон чечаклари»даги ҳар бир асарнинг ҳам ўзига хос фазилатлари мавжуд.

«Турон чечаклари»да шеърлари чоп этилган Собиржон Юсуфалиев, Иброҳим Туркий, Баҳодир Собит,

Мираҳмад Мирҳолдор ўғли каби шоирларнинг номлари ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Шу пайтга қадар уларнинг бир неча китоблари чоп этилган. Шунингдек, Тошкентдаги марказий газета-журналлар саҳифалари, радио ва телевидение орқали эълон қилинган асарлари аллақачон адабий жамоатчилик назарига тушган. Айниқса, бундай таниқли шоирларнинг адабий алоқаларни ривожлантириш борасидаги фаолиятлари ҳам таҳсинга сазовор. Ана шундай дилдошлик туфайли уларнинг «Турон чечаклари»да берилган янги шеърлари кўзимизга ниҳоятда иссиқ кўринади. Бирodarларимиз билан шеър орқали бўлган дийдорлашувлар кўнгилни қувонтиради.

Иброҳим Туркийнинг «Туроннома» достони, Собиржон Юсуфалиевнинг «Онамга», «Ишонаман», Баҳодир Собитнинг «Она Туркистон», «Мағрибу Машрикда порлаган юлдуз», Мираҳмад Мирҳолдор ўғлининг «Азиз инсон» сарлавҳали шеърлари сатрларидан ҳазрат Аҳмад Яссавий ором олиб ётган тупроқнинг ҳиди, муаллифларнинг она диёримизга чин юракдан изҳор этган муҳаббатлари ифори анқиб туради.

Ушбу китоб қадимий шаҳар Туркистоннинг 1500 йиллигига тўёна сифатида чоп этилган.

Баҳодир Собит ва Феруза Собитованинг яқинда чоп этилган «Турбатликларим» номли очерклар ва шеърлар китоби ҳам кишининг кўнглида ана шундай туйғуларни уйғотади.

Абдусаттор АМИРОВ

ратга солмайди. Рассом дўстим, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Отахон Оллаберганов янги Урганчнинг эски шаҳри ажойиб тасвирларини бир вақтлари озарбойжон адиби Манаф Сулаймонга туҳфа қилиб юборганида эди, бугунги ёшларимиз, ҳозирги навқирон урганчликлар ўз ота-боболарининг қандай қилбаларда яшаганликларини бир кўриб қўйган бўлур эдилар. Шунда, эҳтимол, улар ҳам шаҳарсозлик ишларига қатъиятли бир изчиллик билан бошқош бўлаётган Эргаш Юсуповни янги Урганчнинг ижодкорларидан бири, Абулғози Баҳодирхоннинг муайян маънодаги шогирди сифатида эътироф этган бўлур эдилар. Эски шаҳарнинг ўрнида аввалги ўн йилликларда қад ростлаган уйлар ёнбошига тўнкариб қўйилган ғугурт қутилардек бир хил ва зерикарли эди. Мен ҳар гал шу «дом»ларнинг қошидан ўтганимда қачон бундоқ бир одам чидайдиган даражадаги уйсозлик қўлимиздан келадиган бўлар экан, деб орзу қилардим. Чунки, билардимки, бир аллома: «Ёмон қўшиқни, радиони ўчириб, тингламай қўйиш мумкин, ёмон китобни бекитиб қўйиб, мутолаа қилмасликнинг иложи бор, ёмон кинофилмга кирмаса бўлади, бироқ ёмон меъморчиликдан ҳамма жафо чекади», — деган гапларини қулоғимга қуйиб олгандим. Мана, кейинги йилларда шаҳарсозлик маданияти, Тошкентдагига ўхшаб, шаҳдам қадамлар билан илгарилай бошлади. Аэропорт яқинидаги қурилиш мажмуалари, илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган янги аэровокзал биноси, Жалолиддин Мангуберди майдони, янги режалаштирилаётган боғлар, хиёбонлар, майдонлар... Икки юз мингдан зиёд аҳоли яшайдиган бутун бошли бир вилоят марказида тузукроқ бир сайилгоҳ йўқ эди. Эндиликда, истироҳатгоҳлар пайдо бўляпти ва келажакда бундай файзли гўшалар яна ҳам кенгаяди.

Бизнинг болалигимизда «Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш» деган ибора юрарди. Дарҳақиқат, бу тафовутни йўқотиш керак. Бироқ, қишлоқни шаҳарга айлантириб эмас, балки шаҳарда ҳам боғларни кўпайтириб йўқотиш керак. Ана шундагина эл оғзи бирикади, ҳаёт мўътадиллашади. Ҳозирги меъморчилигимизда ана шу кайфият сезилаётгани ҳам ибратланарлидир.

Овруполикларда «Талантлар минтақаларда туғилиб, Парижда ўладилар» деган бир гап бор. Бугун биз мамлакатимизда пойтахтнинг мутлақо табиий ягоналигидан фахрланганимиз ҳолда, маданий марказларнинг кўплигини ҳам эътироф этмоқдамиз. Минтақаларнинг маънавий-маданий жиҳатдан қудратлилигини таъминлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Демак истеъдод эгалари ўз «Париж»ларини кашф этиш учун мусофирлик риёзатини тортиб юришга энди мажбур бўлмайдилар. Вилоят марказларимизда университетларнинг ташкил қилиниши, олий ўқув муассасалари тармоқларининг кенгайтирилиши, филармонияларнинг ташкил қилиниши ва шу каби кўпдан-кўп тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлиги минтақаларимиз истиқболидан далолатдир.

Айнан мана шунинг учун ҳам Рустам Назар, Жуманазар Юсупов, Йўлдош Эшмуродов, Шуҳрат Маткарим, Жумабой Матёқубов, Юсуфжон Латипов, Отабек Исмоилов сингари асарларини мамлакатимизнинг исталган нуфузли нашрларида эълон қилса бўладиган шоир ва ёзувчи дўстларим, қанчаданқанча рассом, бастакор ва актёр биродарларим, ажойиб хонандалар ўз «Париж»ларини ўзлари туғилиб ўсган тупроқдан изламоқдалар. Асакадаги автогигант, Зарафшондаги қўшма корхоналар, Кўқдумалоқдаги нефт қазиб олувчи корхоналар билан бир сафда туриб, Гурлан тўқимачилик корхонаси, очиқ турдаги «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти, Хоразм шакар заводи каби йирик корхоналарнинг жамоалари ўз фаолиятларини шу умидда олиб бормоқдадирлар. Амосовдек буюк жарроҳнинг шогирди бўлмиш хонқалик Қаландар Бобожонов ҳам айнан мана шунинг учун ўзининг Киевдаги иссиқ ўрнини ташлаб келиб, жаҳоннинг ўта тараққий топган мамлакатларида ҳам ниҳоятда ноёб саналадиган мураккаб юрак операцияларини ўзи туғилиб ўсган Хоразмда амалга ошириб, қанча-қанча беморларни муқаррар ўлим чангалидан олиб қолмоқда.

* * *

Хоразмда истиқомат қилаётган аҳолини хавотирга соладиган ташвишлардан бири пахта яккаҳокимлиги ва Орол фожеаси эди. Зироат сифатида пахта, албатта, ҳеч кимнинг кўзига ҳунук кўринмас эди. Бироқ тупроққа зулм қилиб, табиат мувозанатини бузиб, етмиш йилдан ошиқроқ вақт мобайнида бошқа экинларни далаларимиздан ҳайдаб чиқарган эдик. Кеч бўлса-да, бу хатонинг мудҳиш оқибатларини пайқадик ва истиқлол туфайлигина бу офатни даф қилиш имкони пайдо бўлди. Воҳани боғларга бурқаш ҳаракати авж оляпти. Мен ҳозир Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясига Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан очилган Урганч — Хива троллейбус йўли бўйлаб ишга қатнайман. Ҳозир мана шу йўлнинг, шунингдек, вилоятимиздаги бошқа йирик йўлларнинг атрофларида катта-катта мевазор боғлар бунёд этиляпти.

«Яшил дарахтларнинг ҳар япроғи Оллоҳ маърифати битилган китобнинг бир варағидир», деб ёзганди Шайх Саъдий ҳазратлари. Бу ҳикматли япроқларнинг ҳар биттаси, алломаларимиз фикрларига қараганда, ўзи кўкариб турган даврда бир одамни мусаффо ҳаво билан таъминлайди. Бунинг устига ҳар биттаси минг дардга дармон меваларни қўшинг. Демак, бунёд этилаётган бу боғлар бизнинг экологик балоларга қарши навбатдаги ҳамламиз ва мен бу ҳаракатга — экологик мувозанатни тиклаш йўлидаги хайрли саъй-ҳаракатларга муваффақият тилайман. Буни алоҳида таъкидлаётганимга боис шуки, бундай кураш шўролар даврида Хоразм вилоятига бирмунча муддат рахбарлик қилган Фахриддин Шамсиддинов томонидан бошланган ва замона зайли билан изчиллик етишмаганидан ташлаб қўйилган, не-не умидлар билан йўлларнинг чеккаларига ўтқазилган мевали дарахтлар қаровсиз қолиб кетганди. Хоразмни кезсангиз, ҳозир ҳам ўша даврдан қолган яккам-дуккам мевали дарахтларга дуч келасиз. Бу дарахтлар, аксар, пайхон қилинган бир ҳолда, парвариш бўлмаганидан, мевадан қолиб кетган — ғамгин бир васиятлардек мунғайиб турадилар. Демак, иккинчи ҳамла изчил ва шиддатли ҳолда давом этади. Хотирамга бир вақтлари ёзган «Боғ ҳақида баллада» деган шеърим қалқади:

Қишлоқда бор эди қутлуғ бир бўстон,
На боши кўринмас ва на оёғи.
Замин меваларин сарҳили унда,
Номи ҳам жўнгина — Гўжанинг боғи.
Босмачилар унга тегмагандилар,
На-да, оқ, на қизил томон эди боғ.
Мудҳиш қаҳатчилик йиллари омон,
Қирғин йиллари ҳам омон эди боғ.
Шоҳона муҳташам, тун-кун ораста,
Кўшку айвонлари бўлгувчи эди.
Авазмат овчининг тозиси ҳурккан
Йиртқич ҳайвонлари бўлгувчи эди.
Кибрни билмасди соҳибкор чоллар,
Кўп камсуқум эди сарвар диллари.
Ёдда Оллоберган Заргар бобонинг
Ғуж-ғуж, сўлқим-сўлқим марваридлари.
Алпомишлар билан баҳс боғлатсанг ҳам
Иложи йўқ эди ҳеч ҳоритишнинг.
Холис меҳнатлари унут бўларми
Қабрингга нур тўлгур Карим Мортишнинг.
Ҳар анжир — бир офтоб, ҳар олу — бир тун,
Чайқалиб турарди ноклари ларзон...

Замона тазйиқлари билан боғни нобуд қилган ҳамқишлоқларимга бугун таъна тошларини отмоқчи эмасман. Биз бугун истиқлол шарофати билан Ватанимизни боғларга буркаш, табиат мувозанатини тиклаш ҳар қачонгидан катта эҳтиёж эканлигини тушуниб етмоқдамиз. Янги боғлар барпо этмоқдамиз. Бундай боғлар бир кун келиб Беруний ларни, Хоразмийларни, Огаҳийларни вояга етказади.

Илоҳим яхшиликка бўлсин — бу йил Хоразмга авжи баҳор фаслида ёз келиб қолди. Энди куртаклари бўртадиган вақтда тутлар ғарқ пишди. Ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар ҳам сусткашроқ одамларни шошилтириб қўймоқда. Ижтимоий ҳаёт қайнаб турибди. Қишлоқда янги фермер хўжаликлари ташкил топаётир, ерлар хусусийлашмоқда. Янги тамойиллар бўйича хўжалик юритиш йўсинлари йўлга қўйилмоқда.

Мен бўлсам бу сатрларни воҳамизда бўлиб ўтган мамлакат мусиқа билим юртлари талабаларининг анъанавий ижрочилик бўйича ўтказилган фестивалидан келиб ёзаётирман. Ёшлар бир неча кун давомида мумтоз куй ва қўшиқларимизни ижро килиш борасида ўз кучларини синаб кўрдилар. Халқимизнинг Фарғона – Тошкент, Бухоро — Самарқанд, Хоразм ижрочилик мактаблари, мақом йўлларидаги дурдона санъат асарлари Урганч ва Хива саҳналарида баралла янгради. Хашаки куй-қўшиқлардан бирмунча толиққан руҳим саҳнада ўспиринларимизнинг Ҳожихон Болтаев, Леви Бобохонов, Полли Дузчи, Мулла Тўйчи, Юнус Ражабий сингари мусиқа санъатининг мумтоз намояндалари асарларини маҳорат билан қилган ижроларидан ором топди. Бободаримиз жон томирларига уланган истиқлол дарахтининг илдизлари бақувват ва бу илдизлардан озиқланиб ўсаётган ниҳолларнинг-да келажаги нурли эканлигига ишончим ошди.

Ҳаёт давом этяпти. Ислоҳотлар баъзан равон, баъзан айрим машаққатлар билан амалга ошмоқда. Нима ҳам дердик, бундай синоатлар асло ғайри табиий ҳол эмас. Жонкуяр ва фаол бўлишимиз, ҳар биримиз тақдир томонидан зиммамизга ортилган вазифани сидқидилдан адо этиб, курашиб яшамоғимиз керак. Чунки буюк ўзгаришлар ҳеч қачон осонлик билан юз берган эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубиёт маркази Андижон вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Равшан АБДУРАҲМОНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.



Биринчи шеърлар китобим босилганидан икки йил ўтгач, биринчи ҳикоялар китобим нашр этилди.

Шеър ва наср баҳси!

Аввалдан ижодим шундай шаклланди.

Сўнгги йилларда кўпроқ насрий асарлар билан банд бўлдим. Лекин шеърни ҳам унутганим йўқ. Унча-мунча ёзиб турибман.

Янги шеърлар туркумини «Йўлдаги одам» деб номлаб, эътиборингизга ҳавола қиляпман.

Омон МУХТОР

ЙЎЛДАҒИ ОДАМ

***

Сен меҳрибон. Сен шафиқ —
Йўлда учраган рафиқ.

Мен сенга интиқ эдим.
Кўпдан буён зиқ эдим.
Эшик бирдан этди тиқ.

Менинг бутун ҳаётим
Энди ўзгарди. Аниқ.
Сендан. Йўлдаги рафиқ.

***

Оғалар, бу қандай иш?! —
Бир кун баҳор. Бир кун қиш.

Оғизни очмоқ қийин,
Шамолдан оғрийди тиш.

Бир ён шохлар гезарган,
Бир ён куртак отган ниш.

Эй кўк меҳвари Офтоб, —
Олов ёқсанг, пишсанг, пиш!
Бир кун баҳор. Бир кун қиш.

***

Рост — гўзал қиз, лекин кийими бир хил,
Эски бир либосда юраверади.
Ёлғон — хунук, лекин ҳар куни
Янги бир либосга олар бурканиб.

Биз гоҳ алданамиз кийимга қараб,
Гўзал, деб биламиз Ёлғонни.
Хунук, деб биламиз бечора Ростни,
Биз гоҳо шунчаки кийимга қараб.

***

Мен дунёда оддий
Йўловчи! —
Айтганидек, бир кунлар
шоир.
Рўпарамда оламки, мовий,
Унда бутун
мўъжиза ва сир.

Бормоқдаман. Кўзни олмасман.
Чарх урмоқда гўзаллик бари.
Ҳаёт йўқдир,
ушбу оламдан —
Яшаб туриб,
кетгандек нари.

Бағримда ой нур сепар тўлин,
Гарчи менинг
кўпдир хатойим.
Бу дунёда ҳар кимнинг
йўлин —
Унга йўлдек бергин,
Худойим.

***

Келдинг.
Қисматимда бўлмасанг ёзиқ, —
Балки, нафас ютмасдим
ичга.
Тиззангга юкланган қўлларинг нозик.
Бармоқларинг узун.
Ингичка.

Келдинг.
Кўзларимни тўсди
икки зулф.
Сенга айтмоқ истардим бир сўз! —
Кўксимга бош қўйгач,
тилга солди қулф
Юрагимга ботган икки кўз.

***

Кириб келмасдан кўклам,
Бутун атроф кўкарди.
Осмон Ердан ҳам кўркам,
Ерда эса кўк дарди.

Сени излаб мен ҳалак —
Гоҳ баланддан, гоҳ пастдан.
Сен гўё бир камалак!
Кўйлак кийган атласдан.

***

Йўқ, сиз эмас алдамчи.
Сиз — самимий. Мулойим.
Лекин тортиб арғамчи,
Йўлни боғлайсиз доим.

Балки, тортилган — қатим,
Дерсиз, оддий бир шумлик.
Балки, менинг қисматим —
Интилишга маҳкумлик...

***

Дўстим!
Сизни кўриш шарт
Ё ўнгимда, ё тушда.
Қачонгача сиз —
бир дард,
Хаёл деган оғушда.

Кипригимда турган гард —
Кетолмасдан нолишда.
Дўстим!
Сизни кўриш шарт
Ё ичкари, ё тишда...

КУЛГИ ЗАРГАРИ

Ёднома

Собир Раҳмонийнинг саҳнага ҳар бир чиқиши томошабинлар учун дармондори эди. Насриддин афанди, Мулладўст, Тошболта ошиқ, Холмат, Хлестаков, Бомбарди, Қўзиев ва у яратган бошқа бир қатор образлар санъаткор ижодий биографиясининг ёркин саҳифаларидир. С. Раҳмонийни элга танитган образлардан асосийси «Майсаранинг иши»даги Ҳидоят махсумдир. Очиғи, ўша вақтда бу ролни уддалаб кетиш катта санъаткорлар мусобақасида улоқни олиб чиқиш билан баробар эди. Миршоҳид Мироқилов ва Бобо Хўжаев саҳналаштирган спектаклдаги Ҳидоят махсум роли устидаги ишни С. Раҳмоний шундай хотирлаган эди:

— Менинг олдимда жуда катта имтиҳон турарди. Муҳими, менинг «Ҳидоятим» бошқаларникига ўхшамасин, унинг нусхаси бўлиб қолмасин. Мана шунақа хаёллар билан шаҳар кезиб юрсам, Ўрдадаги ҳаммомдан бир йигит чиқиб келаётган экан. Тавба қилдим, юриши худди аёлларнинг юришига ўхшайди. Дарров орқасидан эргашдим. Йигит зипиллаб юриб Шайхонтоҳурдаги чойхонага кирди. Мен ҳам кирдим. Бир пиёла чой баҳона йигит билан суҳбатлаша кетдим. Овози ҳам аёлларникига ўхшаш, ғамзалаб гапирарди. Мен йўқотиб қўйган одамимни топиб олгандек, ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатдим. Шундан кейин аёллар билан эркакларнинг қадам ташлашига разм солиб юрдим. Ҳатто бир-икки таниш аёл ва эркакларнинг қадамини ўлчаб чиқдим. Маълум бўлишича, эркаклар ўнг оёғини чап оёғига нисбатан бир сантиметр ортиқ ташларкан. Шунинг аксини қилиб, яъни чап оёқни ўнг оёққа нисбатан бир сантиметр ортиқ ташласангиз заифона юриш чиқаркан. Ишонмаганлар тажриба қилиб кўриши мумкин.

Хуллас, С. Раҳмоний тайёрлаган Ҳидоят маъкул бўлиб, премьерада ўзи ўйнайдиган бўлди. Премьерадан сўнг республика оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоев санъаткорни ёнига чақириб, «Бопладингиз, намангганлик, баракалла!», деди.

Артистнинг бутун фаолияти унинг концертчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Ўзи тўқиган ва куй басталаб ижро этган «Қорилик», «Хато қилдим», «Сартарош», «Инқадар», «Майда пул», «Вино», «Тонг отгунча» каби интермедия, куплет ва пародиялар жамиятдаги қусурларни фош этиб, кулги шайдоларига завқ бағишларди. Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор шунинг учун ҳам унга «Намангганлик Аркадий Райкин», деб юксак баҳо берганди.

Собиржон ака Вера опа билан салкам олтмиш йил умргузаронлик қилиб, етти фарзанд, 36 невара-чеварани тарбият қилишди.

Наманган театрининг тамал тошини қўйганлардан бири, Ўзбекистон халқ артисти Собир Раҳмоний барҳаёт бўлганида бу йил 90 ёшга тўларди. У киши етмишга кирганида «Обод» маҳалла вакиллари: «Маҳалламизга Раҳмоний номи берилса», деб таклиф киритишганди. Ўшанда «Тирик одамга мумкин эмас», деган жавоб бўлганди.

Бироқ ўша таклиф ҳамон очиқлигича турибди. Ҳеч бўлмаганда унинг хотираси учун вилоят кулги усталари, қизиқчилар кўрик-танловини ўтказиш ёки театрдаги истеъдодли ёшларга унинг номидаги мукофотни ташкил этиш мумкин эди. Нима бўлганда ҳам саҳнада 200дан зиёд бетакрор образлар яратган бу беназир санъаткорнинг номи ўзбек миллий театри тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилишига ишонамиз.

Ўша, 70 йиллик юбилей тантанасида Собиржон ака тиз чўкиб, саҳнани ўпган ва «Эй, саҳнаи муқаддас! Мен сендан розиман, сен ҳам мендан рози бўл!», деган эди. Биз ҳаммамиз бу улуғ санъаткордан розимиз.

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Муборак ОЙХЎЖАЕВА

БИР ЖУФТ АТИРГУЛ

* * *

Кўз ёшдай ёмғирнинг сувлари ювган
Салқин кўчаларда кезиниб маъюс,
Мен сени эсладим, азизим, бугун,
Теваракда кўклам, юрагимда куз.

Қуёшга тутганча навқирон танин
Тўлғониб ётади ям-яшил борлиқ.
Лек менинг бағримни ёлғизлик ғами
Аста музлатади биринчи қордек.

Бирдан саволларга тутаман сени
Чақноқ кўзларингга ҳаёлан боқиб:
Ростмидир баҳорнинг ажойиб куни
Ногоҳ толеимдан олганим топиб?

Ё ширин тушмидинг, саробми, эртак,
Дунёда борлигинг ҳақиқатмидир?
Ёки бу шунчаки ҳавасми, эрмак
Ёки учратганим чиндан бахтмидир?

Мен қандай йўқотиб қўйдим изингни,
Балки бу — кўзёшдай ёмғирлар иши?
Нега яширасан, жоним, кўзингни,
Қара, ёмғир-ёмғир кўзларим ёши...

* * *

Бу китобдан уч-тўрт варақ ўқиб, ташладим,
Йўқ-йўқ, ташламадим, шартта юлиб олдилар.
Бахт либосим чок-чокидан сўкиб ташладим,
Тикаётган эдим, «сўк» деб туриб олдилар.

Бу шаробдан энди бир бор хўплаган эдим,
Кутмаганда чил-чил синди кўлимдаги жом.
Сўзламакка базўр оғиз жуфтлаган эдим,
Тингламайин юрагимга солдилар армон.

Боғим ичра туп атиргул ўсарди бўй-бўй,
Айни ғунчалаган чоғи босиб қолди қор,
Кулоғимда жаранглари кўп ажойиб куй,
«Тўхтатилсин!» — чиқардилар зилдай бир қарор.

Қизиқ, кимни бадбахт этди кўзимдаги нур,
Кимга оғир тушди менинг митти қувончим?!
Дунё шундай: бу кўнгилни маст қилган сурур
Ўғирларкан ўзга дилнинг оромин, тинчин.

ЭЪТИҚОД ВА НУҚТАИ НАЗАР

Муносабат

Оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга кишилар турлича муносабатда бўладилар. Биров қизиқ нарсаларни кўриб ё эшитиб ҳайратланса, яхшиликдан хурсанд бўлса, бошқа бировнинг табиатида дунёга танқидий нуқтаи назар билан қараш, содир бўлаётган воқеа-ҳодислар юзасидан сергак мушоҳада юритиш устиворлик қилади. Танқидий нуқтаи назарга эга кишининг ҳаётга, жамият тараққиётига қўядиган ахлоқий, маънавий талаблари юқорироқ бўлади. Мана шу талаблар кишиларнинг ўсишига, улғайишига, яхшиларнинг яна ҳам яхшироқ бўлишига, юксакроққа интилишига туртки беради.

Агар бирор шоир, ёзувчи, ҳофиз ёки мусаввир «Мен маҳоратнинг чўққисини эгалладим» деган гапни айтса, билингки, демак, у ижодкор сифатида тугаб битибди. Ижодкорнинг эришган ютуқларига маҳлиё бўлмай, мукаммалликка интилиши уни доимий изланишда бўлишга даъват этади, уни янги, яна ҳам мукаммал, яна ҳам гўзалроқ нарсалар яратишга чорлайди.

Бошқа бир гуруҳ кишиларнинг табиатида турмушдаги камчиликларга, кишилардаги нуқсонларга эътибор бермаслик, ҳатто ижтимоий адолатсизликларни ҳам сезмаслик ёки сезиб сезмасликка, кўриб кўрмасликка олиш хусусияти устун келади. Шу сабабли ҳам бундай одамларнинг силлиқ нутқларини эшитиш, ёзганларини ўқиш кишиларни «мамнун» қилади, кўнгилларига вақтинча таскин беради, безовталикдан, бироз бўлсада, халос этади. Баъзи кишилар эса хавф-хатар туғилганда унга қарши бирор чора излаш, атрофдагиларни бундан зудлик билан огоҳ қилиш ўрнига, ўз тинчини ўйлайди, кўриб туриб ўзини кўрмаганга солади. Бу ҳолат чўлда хавфга дуч келганида бошини қумга тиқадиган туяқушни эслатади.

Танқидий нуқтаи назар ижтимоий ҳаётдаги, кишилар яшаш тарзи, феълидаги нуқсонлар, камчиликларнинг тузалишига, фуқароларнинг ўз-ўзини англаб етиш жараёни тезлашувига кўмак беради. Танқидий нуқтаи назар улуғ мақсадлар, самимий ниятлар, яхшиликка умид йўлида амалга оширилади.

Аслида ҳаётга танқидий нуқтаи назар билан ёндошиш мавжуд камчиликларни, яхши яшаш учун халал бераётган ижтимоий иллатларни, одамийлик мезонларига зид хатти-ҳаракатларни беғаразлик билан фош қилиш, кишиларда ҳаётга, атроф-муҳитга нисбатан фаол муносабат уйғотиш, мустақил тафаккур қилиш қобилиятини ўстириш, миллий тараққиёт, ўз-ўзини англаш жараёнини тезлаштиришдан иборатдир. Дунё санъати, хусусан, адабиётида шундай даврлар бўлганки, бу даврларда борлиқ оламни танқидий нуқтаи назардан ифодалаш бош йўналишни ташкил этган. Европа мамлакатлари, жумладан, француз, инглиз, рус адабиётларида катта бир давр танқидий реализм адабиёти деб юритилган. Айни адабиётнинг намояндалари Оноре де Бальзакдан А. П. Чеховгача ўз асарларида замондошлари ҳаётининг жонли, ҳаққоний, бадиий обарзларини яратиб қолдирганлар.

Америкалик машҳур педагог, руҳшунос Дейл Карнеги кишилар, фирмалар, корхоналар билан иш битказиш учун танқидий нуқтаи назар билан эмас, балки уларнинг яхши томонларини топиб мақташ, зарур бўлган тақдирда хушомад ҳам қилиш лозим эканлиги ҳақида гапиради. Бунда мантиқ бор, албатта. Тўғри, корхона манфаатларидан келиб чиқиб, баъзан ўзингга ёқмаган кишининг ҳам ижобий томонларини қидирасан, шуларни «топиб» айтасан. Ишни битириб кетишнинг энг синалган қулай йўли шу.

Бундан фақат кишининг эътиқоди зиён кўрмаслиги лозим. Зеро, эътиқод инсоннинг «туруми», собитлиги, унинг ўз ҳаёт йўлига, аждодларининг маънавиятига, анъаналарига, Ватанига содиқлиги билан ўлчанади. Эътиқодсиз кишилардан худо асрасин! Юртимиз пойтахтида ўтган йили содир этилган феврал воқеаларининг асосий сабаби ҳам қабиҳ ишга қўл урганларнинг эътиқодсизлиги, маънавиятсизлиги эмасмиди?! Фақат эътиқодсиз, иймонсиз кишиларгина пулга, бойликка, мансабга учадилар, сотиладилар.

Оламга танқидий нуқтаи назар билан ёндошиш, беғаразлик билан камчиликларни кўрсатиш ҳаммага ҳам ёқавермайди. Халқимиз: «Тўғри сўз туғишганингга ёқмас», деб бежизга айтмаган. Лекин шуни эътироф этиш лозимки, реал, беғараз, тўғри танқиднинг жамият, миллат равнақи учун келтирадиган манфаатини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. У матбуотдами, бадиий адабиётдами — қандай шаклда бўлмасин, кишиларни хушёрликка, ҳар бир қадамини билиб, ўйлаб босишга чорлайди, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ақл-идрок билан баҳо бериш, фаол муносабатда бўлишга ундайди, демак, тараққиёт учун хизмат қилади.

Ижтимоий иллатларга, кишилар феълидаги камчиликларга танқидий нуқтаи назардан муносабат билдириш бугун пайдо бўлган эмас. Мисол учун, улуғ аллома Аз-Замахшарий (1075-1143) «Нозик иборалар» китобида: «Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир», дея ўз замондошларини бу иллатдан йироқ бўлишга чорлаган. Сўфи Оллоёрнинг «Саботун ожизин» («Ожизлар саботи») китобида инсон феъли, ҳаёт тарзида учрайдиган ва учраши мумкин бўлган нуқсонларга танқидий нуқтаи назардан ёндошилади ва бани одамнинг камолга етиш йўллари ақл ва илм нурлари билан ёритилади: бу — меҳнат ва заҳмат, риёзат ва эътиқоддир.

Улуғ шоир бир ҳикоятида илм ва олим тўғрисида фикр юритиб, сўз ўйинидан маҳорат билан фойдаланади:

Егил кам кеча турмоқдин есанг ғам,
Бўлур иш кам агар кўп тўлса ишкам.

Мана шу шеърий бандда илм кишидан роҳат-фароғатдан воз кечишни, тунларни тонгларга улашни талаб қилишию, бунга чидами йўқ инсон бошқа бирор иш қилиши лозимлиги ифодаланган.

Сўфи Оллоёр олимдаги камтарликни, хокисорликни, муслимликни улуғлайди, унинг қалби манманлик ва худбинлик ҳису ҳирсларидан фориғ бўлмоғи лозим дейди:

Агар ернинг юзига айласанг дарс,
Такаббур бўлмагил, бўлгил худотарс.

Шоир бандаларни салбий хислатлардан фориғ бўлишга, ҳақиқий мўминлар сафидан жой олишга чорлар экан, бунинг учун ҳар бир муслим ўзидаги камчиликларга бешафқат бўлиши лозимлигини уқтиради: комил инсонга бир жоҳил одам аччиқ сўзлар билан дашном беради. Шунда у ўз соқолидан тутамлаб, ўзига дейди: сенинг камчиликларингни ўзим айтганимда «бовар қилмадинг ҳеч», энди бу «мўминдан» эшит-да, некман деб, кўп лоф урма. Нафсингни тий, ақлингни ийғ ва айбингни яширма:

Ана инсоф, ана хулқ, эй биродар,
Ўзунги айбингга сан ёпма чодар.

Тўғри, кундалик турмушда илиқ сўзлар ҳам кўп манфаат келтиради. Яхши сўз одамларнинг кўнглини кўтаради, юмшатади, ишга нисбатан ғағбат уйғотади. «Яхши сўз — жон озиғи», «Яхши сўз билан илон индан чиқар, ёмон сўз билан мусулмон диндан чиқар», дейди халқимиз. Лекин танқид ёмон сўз (киши шахсини ерга уриш, камситиш, хўрлаш, қасддан обрўсизлантириш) шаклида айтилмаслиги лозим. Ёмон сўзнинг ҳақиқий танқидга ва ҳақиқий танқиднинг ёмон сўзга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Миллат, юрт равнақи учун хизмат қиладиган, инсонийлик, эътиқод қоидаларидан келиб чиқиб айтилган ҳаққоний танқид «жон озиғи» бўладиган яхши сўз билан баробардир.

Мақтов кимга ёқмаган? Хўш, қуруқ мақтов адабий танқидчиликда, бадиий асар ёки таржима асарнинг ҳозирги адабий жараёндаги ўрнини белгилашда юз берса-чи? Табиийки, бу ҳолат маънавиятимизнинг ҳақиқий, ўлмас асарлар билан бойишига путур етказади ҳамда бадиият мухлисларининг дидини ўтмаслаштиради.

Афсуслар бўлсинки, танқидий фикрни кишилар доим ҳам тўғри қабул қилиб, ундан ўзларига керакли хулоса чиқариб олмайдилар. Бунинг ҳам бир қатор сабаблари бор. Баъзи бир танқидчилар асарни чуқур ўрганмай, ҳеч қандай асоссиз, далилсиз муаллифнинг иззат-нафсига тегишгача боришади. Бундайларнинг мақсади иззат-талаблик, чуқур таҳлилга қодир эмаслигини яширишдан иборатдир.

Бугун мустақил юртимиз матбуот воситаларида реал, ҳаққоний, беғараз танқидга кенг ўрин берилаётир. Зеро, танқидий нуқтаи назар қалби эзгуликка ошно кишилар учун доимо тараққиёт йўлидаги соғлом воситадир.

Бозор ИЛЁС АЛ-АМИН,
филология фанлари номзоди,
доцент



САНЪАТКОРНИНГ МАДАДКОРИ

Мулоқот

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси қошида «Артмадад» махсус жамғармасининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган қисқа давр ичида бу жамғарма республикамиз Президентининг 1998 йил 26 мартидаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони бажарилишини таъминлаш юзасидан бир мунча ишларни амалга оширди. Жамғарманинг асосий вазифаларини билиш, унинг бугунги фаолияти ва режалари билан танишиш мақсадида жамғарма бош директори Улуғбек КАМОЛИДДИНОВ билан суҳбатлашдик.

Гаплари дадил-дадил, фикрларидан ўз ишини яхши билиши кўриниб турган бу йигит билан суҳбатимиз жонли кечди.

Мулоқот асносида ёшгина йигитнинг бош директор сифатида фаолият кўрсатаётгани сабаблари аён бўлди. Мактабнинг 9-синфида ўқиб юрганидаёқ дарсдан бўш вақтларида қандолатпазлик цехида ишлаган Улуғбек шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш бошлиғи даражасига кўтарилган. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг биринчи курсида ўқиётганида эса «Мовий» деб номланган хусусий-тижорат фирмасини очган. 1997—98 йилларда «Талаба» республика жамғармаси бош директори муовини бўлиб ишлаган. Мактабда ўқиш даврида эса наққошлик тўгарагига қатнашиб, шаҳар танловида биринчи ўринни олган ва Санкт-Петербургга саёҳат йўлланмаси билан тақдирланган. Ҳа, бундай таржимаи ҳолнинг эгасига ҳавас қилса арзийди. Айниқса, дарснинг ўзини ҳам уддалолмай, бўш вақтини кўча чангитиб, бекорчиликда ўтказаётган баъзи ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари бу каби замондошларидан ўрнак олсалар ёмон бўлмасди.

Хуллас, пойдевори мустаҳкам девор пишиқ бўлади, деганларидек Улуғбек ўқувчилик йилларида бошлаган кичик-кичик тадбиркорлик фаолияти бугунги иши учун замин бўлиб хизмат қилди. «Артмадад» махсус жамғармасини тузишдаги барча ташкилий жараёнларда, жамғарма Низомини тайёрлашда фаол қатнашди. Биз биринчи навбатда жамғарманинг мақсади ва вазифалари билан қизиқдик.

— Жамғармамиз фаолиятининг асосий мақсади унинг номланишиданоқ кўриниб турибди, — дейди У. Камолиддинов, — «Артмадад» — артистларнинг, демак, театр санъати ижодкорларининг мададкори дегани. Биз биринчи навбатда моддий-молиявий маблағларни жалб этиш орқали миллий таеатримизни ривожлантиришда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ёрдам берамиз. Бунинг учун «Ўзбектеатр» қошида турли соҳалар бўйича шўъба корхоналар ташкил этдик. Ҳозирда мамлакатимиз ҳамда чет эл ташкилотлари билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун изланмоқдамиз. Бундан ташқари, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бошқа йўлларини, бу борадаги ишларни жонлантириш имкониятларини излаб топиб, амалда тадбиқ қилаяпмиз.

Муҳими шундаки, жамғармамиз иқтисодий-молиявий фаолиятидан келадиган даромадлар юз фоиз бирлашма ва унинг ташкилотларида хизмат қилаётган ижодкорларни, ходимларни моддий, маънавий рағбатлантиришга, уларнинг маиший турмуш шароитларини яхшилашга сарфланади.

Ўтган даврда жамғарманинг ҳомийлик ва хайрия фаолиятига назар ташласак, «Наврўз-99», «Андижон баҳори-99», «Халқаро театр куни», Наврўз ва Мустақиллик байрамлари каби тадбирларни муносиб ўтказишга ҳисса қўшдик. Шунингдек, республикамизда ўтаётган «Хумо» ёшлар театрлари фестивалини ўтказишнинг бош ҳомийси «Артмадад» махсус жамғармаси ҳисобланади.

Ҳомийлик фаолиятимиздаги яна бир йўналиш миллий театримиз истиқболини назарда тутиб, актёрлар ва талабаларни чет эл хизмат сафарларига юборишни қўллаб-қувватлашдир.

— Албатта, жамғарманинг келажак режалари ҳам кенг қамровли бўлса керак.

— Бизнинг асосий бурчимиз миллий театр санъатимиз намоёндаларига чинакам мададкор бўлиш ва санъатимиз довруғини чет элларга ёйишда муносиб ҳисса қўшишдир. Бирорбарин, режаларимизни ана шу мақсадга асосланиб тузмоқдамиз. Шу кунларда бир неча лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Биринчи, энг катта лойиҳамиз махсус лотереяларни муомалага чиқаришдир. Агар бу иш амалга ошса, ижтимоий соҳани ривожлантириш имконияти юзага келади. Маълумки, меҳнат жамоасининг самарали меҳнат кўрсатишида ундаги ҳар бир хизматчининг моддий манфаатдорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунда ташкилотнинг ёрдамчи фермер хўжалиги бир мунча манфаат бериши кўпчиликка аён. Ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда бирлашма қошида фермер хўжалигини барпо этишни алоҳида лойиҳа асосида амалга оширмоқдамиз. Шунингдек, театрларнинг баъзи янги асарларига пул ажратиб, спектакларни қўйишдан келган даромадни театрлар ва жамғарма ўртасида тенг бўлишни режалаштирдик. Бунинг фойдали томони шундаки, жамғармамизга келиб тушган маблағни яна худди шу тарика ишлатиш имконияти юзага келади. Шу йилнинг охирига келиб «Ўзбектеатр», «Хамроҳ» студияси, «Ўзбекистон — XXI аср» маркази билан ҳамкорликда йилнинг энг сара асарлари алманахини яратмоқчимиз. Бунда республикамиз театрларида қўйилган 5та энг яхши саҳна асарлари танлаб олинади. Биз бу алманахни театрларнинг янги мавсуми очилишига мўлжаллаганмиз.

«Артмадад» жамғармаси ўзбек миллий театрини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўлида кўпгина яхши ишларни режалаштирган. Гап фақат ана шу режаларнинг қай тарика амалга ошишида қолган холос. Биз шу сермеҳнат изланишлар йўлида жамғармага омадлар тилаб қоламиз.

Г. УМАРОВА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI

2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91

Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт, наср ва назм бўлимлари: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 2(.00.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 279. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6288.